

ЭРИХ ФРОММ



**ОЗОДЛИКДАН
ҚОЧИШ**


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2021

УЎК: 821.512.133

КБК: 159.923

Ф - 93

Фромм, Эрих

Озодликдан қочиш / Эрих Фромм. Таржимон Қ.Рўзматзода. Масъул муҳаррир Ш.Мадаева. Тақризчилар Г.Наврўзова ва бошқ. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 352 б.

Озодлик аслида нимани англатади?

Унга етишиш кимлар учундир эзгу орзу бўлса, айримлар учун эса таҳдид кабими?

«Озодликдан қочиш» асари таҳлилиниң кўрсатишича, ҳозирги инсон ҳали ҳамон ташвишлар исканжасида: у турли диктаторларга ўз озодлигини беришга ёки уни бутунлай йўқотишга, эркин инсонга айланишга эмас, балки машинанинг кичик мурватчаси бўлишга мойилдир. Биз ёғизлик ва кучсилиқдан халос бўлишда ўз шахсимиздан воз кечишга ёки хулқ-авторнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган андаларни остига беркинишга тайёр эканлигимизни намоён қиласиз.

Биз ҳис-туйғуларимизга кўра яшасак – озодмиз, маълум қолип доирасида, ақл билан иш тутар эканмиз – озодликдан қочаётган бўламиз.

Бирор ишни ёки вазифани мажбур бўлиб эмас, чин дилдан, истак ва хоҳишга кўра бажариш – эришиладиган натижанинг нечоғлик юксак бўлишини таъминлайди. Демак, озодликнинг баҳоси – самараси ана шундай!

Мазкур асарда муаллиф инсон кўп ҳолатларда мустақил, ақлли, объектив бўлиш учун етарли даражада вояга етмаганини таъкидлайди.

Сиз-чи, бу борада қандай фикрдасиз?

Таржимон

Қодиркул РЎЗМАТЗОДА, фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Масъул муҳаррир

Шаҳноза МАДАЕВА, фалсафа фанлари доктори, профессор

Тақризчилар

Гулчехра НАВРЎЗОВА, фалсафа фанлари доктори, профессор

Мамажон МАМАТОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Инглиз тили нусхасига солишириб, таҳрир қилувчи

Раҳимжон ҚУДРАТОВ

ISBN 978-9943-20-378-5

© Эрих Фромм, «Озодликдан қочиш». «Янги аср авлоди», 2021 й.

Агар мен ўзим үчүн оёкқа турмасам, ким мен үчүн оёкқа туради? Агар мен фақат ўзимни ўйласам, у ҳолда мен кимман? Агар ҳозир одам бўлмасам, қачон одам бўламан?

**Талмуд ҳикмати,
Мишна, Абот**

Мен сени на самовий, на ер, на ўлимга, на абадиятга маҳкум қилиб яратдим, зеро, сен ўз хоҳиши-ироданг ва виждонингга кўра озод бўлишинг, ўз-ўзингни кашф этишинг ва яратишинг мумкин. Мен сенга фақат ўсиш, ўз хоҳиши-иродангга кўра ўзгариш имконини түхфа қилдим. Сен ўзингда бутун коинот ҳаётини мужассам этасан.

**Пико делла Мирандола,
«Инсон қадри тўғрисида нутқ»**

Шундай қилиб, инсоннинг тугма ва ажralмас ҳуқуқларидан бошқа ҳамма нарсани ўзгартириш мумкин.

Томас Жефферсон

ЯНГИ ГУМАНИЗМ ВА ОЗОДЛИК КУРАШЧИСИ

Мустақиллик даврида ривожланган Фарб мамлакатлари олимларининг асарларини бемалол ўрганиш, таҳдил қилиш, уларнинг илфор гояларини ижодий ривожлантириш, миллий тараққиётимизга халақит берәётган ўлик ақидалардан қутулишга ёрдам бера оладиган илмий ва фалсафий дунёқарашимиз асосларини яратиш имконига эга бўлдик.

Эрих Фромм, шубҳасиз, ҳозирги замон жаҳон психологиясининг буюк классиги, фрейдизм ва марксизмнинг бирёқламалигини бартараф этишга интилган, шахснинг оригинал янги концепциясини яратган ва янги гуманизм гояларини илгари сурган XX асрнинг машҳур мутафаккирларидан биридир.

Улуғ мутафаккир дунёқарашининг шаклланишида XX асрда рўй берган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, қирғинбарот жаҳон урушлари, ижтимоий инқилоблар чуқур из қолдирган. Олимнинг ўзига хос фалсафий таълимоти моҳиятини чуқурроқ идрок этиш учун унинг илмий қизиқишилари ва дунёқарashi шаклланишига кучли таъсир кўрсатган омиллар ҳақида мухтасар тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Эрих Фромм 1900 йил 23 марта Германиянинг Франкфурт шаҳрида тақвадор руҳоний оиласи дунёга келди. Отаси узум виноси савдоси билан

шүгүлланган. Боболари эса раввин (иудаизм дини рұхонийиси) бўлганлар. Онаси Роза Краузе Россиядан Финландияга кўчиб бориб, иудаизмни қабул қилган рус эмигранти эди.

Эрих патриархал анъаналарига содик, тақводор ва меҳнаткаш оила муҳитида вояга етди. Пухта бошланғич маълумот олганидан сўнг гимназияда лотин, француз, инглиз тилларини чуқур ўрганиш билан бир қаторда христиан ёзма ёдгорликларини ўрганишга қизиқди. Диний матнларда баён этилган шафқатсиз жанглардаги қаҳрамонликлар унга ёқмаса-да, Одам Ато, Момо Ҳаво тарихи, Иброҳим пайғамбар, айниқса, Исо пайғамбар ҳақидаги ривоятларни катта қизиқиш билан ўрганди.

Эрих Фромм гимназиянинг юқори синфида ўқиб юрган йиллари бошланган Биринчи жаҳон уруши оммавий ақдисизликнинг ёрқин намунаси сифатида унинг дунёқарашида чуқур таассурот қолдириди.

Бу ҳам етмаганидек, худди ана шу вақтда унинг шахсий ҳаёти яна бир унутилмас фожиага гувоҳ бўлди: оиланинг яқин дўсти, истеъдодли рассом, ёш ва гўзал қўшни қиз касалманд отасининг вафотидан сўнг шу куниёқ ўз жонига суиқасд қиласди; отаси билан бирга дағн этишларини васият қиласди.

Шу воқеадан сўнг Эрих ҳаёт ва ўлим тўғрисида изтироб билан фикр юрита бошлайди. Яна муҳими, бу қизнинг ўз отасига бўлган муҳаббати нега бунчалар кучли эканлигини, у ҳаёт қувончларидан кўра, отаси билан ҳатто вафотидан кейин ҳам нега бирга бўлишни афзал кўрганлигини билишга ҳаракат қиласди.

Ана шу кузатишлар Эрих Фроммни психоанализга етаклади. У инсон хулқ-авторининг мотивларини англашга интилди.

У 1918 йили Франкфурт университетида психология, фалсафа, социология фанларини ўргана бошлади. Кейинроқ Гейдельберг университетида Макс Вебер, Адольф Вебер, Карл Ясперс, Генрих Риккерт сингари жаҳонга машҳур немис олимларидан сабоқ олди. 22 ёшида фалсафа доктори илмий даражасини олди. Сўнг Мюнхен ва Берлинда психоанализ бўйича ўқишини давом эттиради.

20-йилларда Зигмунд Фрейднинг руҳий таҳдил назарияси Эрих Фромм илмий қизиқишларининг манбай бўлди. Умр йўлдоши, билимдан психолог Фрида Рейхманнинг бевосита таъсири ва кўмагида психоанализ (руҳий таҳдил)нинг клиник амалиёти билан шуғулланди. Улар гарчи тўрт йил эр-хотин бўлиб яшаган бўлсалар ҳам, бутун ҳаётлари давомида дўст ва ҳамкор бўлиб қолдилар.

Ўз даврида унча машҳур бўлмаган немис олими Иоганн Якоб Баҳофеннинг илмий тоялари Эрих Фромм илмий қизиқишларининг учинчи муҳим манбай бўлди: унинг оналик ҳуқуқи тўғрисидаги тояси кейинчалик Эрих Фроммнинг фрейдча либидо назариясини рад этишида муҳим далил бўлди.

Эрих Фромм 20-йилларда буддизм таълимоти билан танишди. Бу таълимотни ўзининг ижодий фаолиятидаги муҳим янгилик сифатида қабул қилди.

Фромм 1927 – 1929 йиллардан бошлаб ўз асарларини чоп эта бошлади. Унинг «Психоанализ ва социология» мавзуидаги илмий маърузаси ҳамда «Аналитик ижтимоий психологиянинг методи ва вазифалари тўғрисида: психоанализ ва тарихий материализм тўғрисида мулоҳазалар» номли мақоласи илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Эрих Фромм 1930 – 1939 йилларда Макс Хоркхамер асос солган Франкфурт ижтимоий тадқиқотлар институтида фаолият кўрсатди. У институт-

нинг ижтимоий психология бўлнимини бошқарди. Немис ишчи-хизматчилари ўртасида ўтказилган тадқиқотларини таҳдил қилиб, 1932 йили ишчилар синфи Гитлернинг диктаторлик режимига қаршилик кўрсата олмайди, деган хуносага келди.

1933 йили Эрих Фромм Германияни тарк этиб, АҚШнинг Чикаго, кейин эса Нью-Йорк шаҳрига кўчиб борди. Шу ерда яна Хоркхаймернинг институти билан ижодий ҳамкорликни давом эттиради.

Эрих Фромм «Авторитет ва оила» дастури бўйича олиб борган тадқиқотларининг маҳсули сифатида «Озодликдан қочиши» асарини яратди ва уни 1941 йили чоп этди (Кейинчалик Теодор Адорно «Авторитар шахс» (1950) асарини яратишда унинг материалларидан фойдаланди). Айни вақтда «Ижтимоий тадқиқотлар журнали»га муҳаррирлик қилди. 40-йилларда Американинг турли олий ўқув юртларида дарс берди, америкалик психоаналитикларнинг турли уюшмаларида иштирок этди.

1946 йили Вашингтонда «Психология, психиатрия ва психоанализ институти» ташкил этилгач, Эрих Фромм психоанализ бўйича мутахассислар тайёрлашда фаол иштирок этди. Бироқ у ҳеч қаҷон бирон-бир кафедранинг ординар профессори бўлиб қолмади: бир неча туташ фанлар бўйича маъruzалар ўқиди. Антропология, политология, ижтимоий психология маълумотларини умумлаштирибгина қолмай, дарсларини клиник амалиёт фактлари билан бойитди.

Эрих Фромм 50-йилларга келиб, Зигмунд Фрейд таълимотидан алоқасини бутунлай узди ва ўзининг оригинал шахс концепциясини яратди ва уни «радикал гуманизм», деб атади. Унинг «Инсон ўз-ўзи учун» асари ана шу муаммога бағишлиланади.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Эрих Фромм Мексиканинг денгиз бўйидаги Куэро-Вако шаҳрида яшади ва Мехико Миллий университетида профессор лавозимида ишлади, АҚШнинг бир неча университетларида маъruzалар ўқиди.

Унинг 50-йилларда ижтимоий-назарий, ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишлиланган «Психоанализ ва дин», «Эртаклар, афсоналар ва туш кўриш», «Софлом жамият» (1955), «Севиш санъати» (1956), «Марксда инсон образи» (1961), «Инсон қалби» (1964), «Инсон деструктивлиги анатомияси» (1973) асарлари катта шуҳрат келтирди.

60-йилларда америкалик сиёsatчилар АҚШ ва СССР сингари икки буюк давлат муносабатлари-даги кескинликни юмшатиш фоясини илгари суринши муносабати билан Эрих Фромм «Америка антикоммунизмининг деструктив потенциали», шунингдек, «бутун дунё хавфсизлиги йўлида соғлом рационал тафаккур»нинг зарурлиги ҳақида ёзди.

Эрих Фромм 1962 йил кузида Москвада бўлиб, қуролсизланиш муаммоларига бағишлиланган халқаро конференцияда кузатувчи сифатида қатнашди.

60-70-йилларда «кибернетик жамият»ни таҳлил қилиш асосида «ижтимоий характерларнинг мустақил типологияси»ни яратиб, шундай дейди: «Бегоналашган жамият инсонни предметлаштиради, қум заррасига, гигант машинанинг фиддиррагига айлантиради. Бундай жамият, шубҳасиз, «шахснинг деструктив типини» яратади, бу эса «бутун инсоният учун таҳдид солади».

Америка қитъасидаги психотерапия амалиёти Эрих Фроммни XX асрдаги неврозларни биологик омиллар билан изоҳлаб бўлмайди, индустрисал жамиятда майл ва инстинктлар одамлар хулқ-атво-

рининг етарли детерминанти эмас, деган хуносага олиб келди.

Эрих Фромм янги гуманизмнинг энг муҳим принциплари сифатида қуйидагиларни қўрсатди:

– ишлаб чиқариш иқтисодиётга эмас, балки инсонга хизмат қилисин;

– инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар бир-бирини талаш ва эзиш эмас, балки коопeração асосига қурилиши керак;

– антагонизмлар ҳамма жойда бирдамлик, қардошлик ва ҳамкорлик муносабатлари билан алмашиниши зарур;

– барча ижтимоий тадбирларнинг олий мақсади инсон баҳти ва инсонни азоб-уқубатлардан қутқариш бўлиши лозим;

– максимал истеъмол эмас, балки оқилона истеъмолгина инсон саломатлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилиши мумкин;

– ҳар бир одам бошқа одамларнинг баҳти учун фаолият қўрсатишдан манфаатдор бўлиши ва шунга жалб этилиши керак.

Эрих Фромм ҳаётининг сўнгги ўн бир йили (1969 – 1980)ни Швейцариянинг Локарно шаҳрида ўтказди. 70-йилларда инглиз ва немис тилларида «Иллюзиядан бу томонда» номли ўзининг интеллектуал биографиясини ёзди.

Эрих Фромм 80 йиллик ҳаёти, самарали ижодий фаолияти давомида ҳозирги замон антропологияси, психологияси, фалсафаси ва социологиясининг энг долзарб муаммоларига бағишлиланган бой илмий мерос қолдирди.

Вафотидан сўнг Германияда Эрих Фромм асарларининг ўн жилдлиги нашр этилди.

Эрих Фроммнинг «Озодликдан қочиши» асари илк бор рус тилидан ўзбек тилига таржима қилин-

ди. Асарда илгари сурилган муҳим назарий қоида ва хулосалар бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида рўй берәётган муҳим ўзгариш ва муаммолар моҳиятини тушунишга, илмий тафаккур ривожига халақит берәётган эскича қарашлардан халос бўлишга яқиндан ёрдам бериши мумкин.

Асарни таржима қилиш жараёнида мураккаб психологик тушунчаларга изоҳлар берилди.

Таржима қўлёзмаси билан яқиндан танишиб, унинг сифатини яхшилашга яқиндан ёрдам берган филология фанлари номзоди М.Мирзаев, психология фанлари номзоди М.Отажонов, фалсафа фанлари номзоди Н.Собиров ва бошқа ҳамкасбларимга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қодирқул Рўзматзода,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

БИРИНЧИ НАШРИГА СЎЗБОШИ

Бу китоб ҳозирги замон инсон психикаси, шунингдек, ижтимоий ривожланишнинг психологик ва социологик омиллари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир муаммоларига бағишиланган кенг қамровли тадқиқотнинг бир қисми.

Мен бу муаммолар билан кўп йиллардан бери шуғулланяпман, уни якунлаш кўп вақтни талаб этяпти. Бунинг устига сиёсий ривожланишнинг ҳозирги тенденцияси бугунги кун маданиятининг буюк ютуғи бўлган индивидуаллик ва ҳар бир инсоннинг бетакрорлигига жиҳдий таҳдид соляпти. Ана шу ҳолат мени яхлит муаммодан узилиб, бутун эътиборимни муаммонинг фақат биргина аспектига, шу кунлардаги маданият ва ижтимоий инқизор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммога – ҳозирги инсон учун озодликнинг аҳамиятини кўрсатиб беришга мажбур қилди.

Агар мен китобхонни цивилизациямиз маҳсули бўлган инсон психологияси ҳақидаги тўлиқ курсни ўрганишга ундинасам, мен бажармоқчи бўлган вазифа осонгина ҳал этилган бўларди. Чунки озодликнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳозирги замон кишисининг психикасини яхлит ҳолда таҳдил қилиш орқалигина аниқдаш мумкин. Ҳозир эса муайян тушунчаларни етарлича ўрганмай туриб, муайян хulosаларга мурожаат қилишга тўғри келмоқда (инсон психикаси тўлиқ курсида шундай қилиш мақсадга мувофиқ бўларди). Мен айрим муаммоларни, ҳатто жуда муҳим муаммоларни йўл-йўла-

кай кўриб чиқдим, баъзан эса уларга ҳатто тил текизмадим. Лекин шунга қарамай, ишонаманки, психолог ҳозирги замон инқирозини тушунишга муносиб ҳисса қўшиши, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни тўла ҳал этишга эриша олмаса-да, шунга интилиши зарур. Ўйлайманки, ҳозирги вазиятни психологик ўрганишнинг катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаш билан психологиянинг аҳамиятига ортиқча баҳо бермаслигимиз зарур.

Ижтимоий жараённинг асосий субъекти индивид: интилиш ва ташвишлари, эҳтирослари ва мулоҳазалари унинг эзгулик ёки ёвузликка мойиллигидир; шу боисдан ҳам унинг характеристери бу жараёнга таъсир этмай қолмайди.

Ижтимоий ривожланиш динамикасини тушуниш учун биз индивид ички оламида рўй берадиган психик жараёнлар динамикасини билишимиз, худди шунингдек, индивидни тушуниш учун унга ўзи яшаётган жамият билан биргаликда қарашимиз зарур.

Мазкур китобнинг асосий гояси шундан иборатки, тоиндивидуалистик жамият сиртмоқладаридан озод бўлган ҳозирги инсон ўз шахсини рўёбга чиқаришга имкон берувчи озодликка эриша олмади, яъни интеллектуал, эмоционал ва ҳиссий қобилияtlарини рўёбга чиқара олмади (ҳолбуки, тоиндивидуалистик жамият индивидни айни вақтда чеклаган, унинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаган эди).

Озодлик инсон ҳаётига мустақиллик ва эмоционаллик берди, бироқ шу билан уни бошқалардан ажратди (изоляция қилди), унда кучсизлик ва ташвиш ҳиссини уйғотди.

Бундай якка-ёлғизликка чидаб бўлмайди, инсон олдида икки йўлдан бирини танлаш зарурияти

пайдо бўлди: ё янгича қарамлик ёрдамида озодликдан бутунлай воз кечиш, ёки ҳар бир инсоннинг бетакрорлиги ва индивидуаллигига асосланадиган позитив озодликни тўла рўёбга чиқариш учун ўсиб-улгайиш.

Гарчи бу китоб башорат бўлишдан кўра ташхис бўлса-да, муаммоларни ҳал этиш эмас, балки таҳлил этиш ва тадқиқотимиз натижалари зарур чора-тадбирлар кўриш йўналишини белгилаши мумкин. Зеро, озодликдан мустабидларча қочиши сабабларини билиш тоталитаризм кучлари устидан ғалаба қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат учун зарур шарт-шароит ҳисобланади.

Фикрларимни қўллаб-қувватлаган, конструктив танқид қилган барча дўстларим, ҳамкасб ва шогирдларимга миннатдорчилик билдираман.

Китобхонлар сатр остида берилган муаллифларнинг асалари изоҳини қўришлари мумкин. Мазкур асалда баён этилган foялар учун улардан қарздорман. Бу ишни якунлашим учун ёрдам берганларга эса, алоҳида миннатдорлик билдираман. Энг аввало, бу мисс Элизабет Браун. У менга китоб композицияси бўйича ўз маслаҳатлари ва танқидий мулоҳазаларини билдириди. Бундан ташқари, қўлёzmани таҳрир қилишда катта ёрдам берган ва китобда кўтарилиган фалсафий муаммолар бўйича маслаҳатини аямаган Т.Вудхаузга, доктор А.Зейдеманга раҳмат айтаман.

Эрих Фромм
(1941 йил)

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ НАШРИГА СЎЗБОШИ

Мазкур китобнинг биринчи нашридан бери деярли йигирма беш йил ўтди. Ҳозиргача чоп этилган йигирма тўрт нашр мутахассислар ва номутахассислар, айниқса, китобхонлар орасида ўз ўқувчиларини топди. Мен шундан қувонаманки, Эйвон кутубхонасининг янги нашри мазкур китобни яна ҳам кенг оммалаштиради.

«Озодликдан қочиш» – бу ўрта аср оламининг емирилиши (бунда инсон барча таҳдидларга қарамасдан ўзига ишонч билан қараган, ўзини хавфсиз ҳис этган) туфайли келиб чиққан инсон ташвишлари феноменининг таҳлилидир.

Юз йиллик курашлардан сўнг инсон ҳаддан ташқари кўп моддий неъматлар яратди; дунёning бир қисмида демократик жамият барпо этди; у ўзини янгича тоталитар таҳдидлардан ҳимоя қила олди.

Бироқ «Озодликдан қочиш» асари таҳлилиниң кўрсатишича, ҳозирги инсон ҳали ҳам ташвишлар исканжасида: у турли диктаторларга ўз озодлигини беришга ёки уни бутунлай йўқотишга, эркин инсон бўлишга эмас, балки машинанинг кичик мурватчаси бўлишга, яхши парвариш қилинадиган ва яхши кийинтириладиган автоматга айланишга мойилдир.

Яна йигирма беш йилдан сўнг қуйидаги савол пайдо бўлади: мазкур китобда очиб берилган ижтимоий ва психологик тенденциялар сақланиб қолдими? Уларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келадиган белгилар йўқми? Шубҳасиз, ке-

йинги чорак аср мобайнида инсонда озодликдан қўрқиши, ташвишланишини вужудга келтирувчи, автоматга айланишга мойиллигини кучайтирувчи сабаблар йўқолиб қолмади, балки анча кўпайди.

Шу маънода энг муҳим воқеалардан бири атом энергиясининг кашф этилиши ва уни оммавий қирғин қуроли сифатида қўллаш имкониятининг пайдо бўлишидир. Илгари инсоният тарихида ҳеч қачон ёппасига йўқолиб кетиш ва инсоннинг ўз қўли билан қирилиб кетиш таҳди迪 пайдо бўлмаган эди. Бироқ яқинда Кариб инқирози вақтида Америка ва Европадаги юз миллионлаб кишилар бир неча кун мобайнида ўзимиз ва болаларимиз эртанги кунни кўрадиларми, деган саволга жавоб тополмай қолдилар.¹ Шундан бери шунга ўхшаш инқирозларни бартараф этиш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилинган бўлса-да, қирғинбарот қуроллар, тугмалар ва уларни буйруққа асосан босишга мажбур бўлган кишилар, иложсизлик, фам-ташвиш сақланиб қолмоқда. Ядро инқилоби билан бир қаторда кибернетика инқилоби ҳам ривожланди (бу йигирма беш йил илгари тахмин қилинганидан кўра тез рўй берди).

Биз иккинчи саноат революциясига қадам қўйдик. Эндилиқда нафақат инсоннинг жисмоний энергияси (унинг қўли), балки мияси ва асаб реакцияси ўрнини ҳам машиналар эгалламоқда. Энг ривожланган саноатлашган мамлакатларда, жумладан, Америка Қўшма Штатларида янги тур-

¹ Кариб инқирози – СССР Қуролли Кучлари ҳарбий қисм ва бўлинмалари, ядро қуролларини ўз ичига олган ҳарбий техника, қурол-аслаҳаларининг Кубага махфий равишда жойлаштирилиши туфайли СССР ҳамда АҚШ ўртасида 1962 йилнинг 16 октябрь кунидан 28 октябрь кунига қадар давом этган фавқулодда кескин сиёсий, дипломатик ва ҳарбий қарама-қаршиликни ифодаловчи тарихий атама.

даги ишсизликнинг пайдо бўлиши билан одамлар ташвиши ортиб бормоқда.

Инсон ўзини ниҳоятда ожиз ҳис эта бошлади: унга улкан корхоналар тизимиғина эмас, балки ўз-ўзини бошқарувчи, инсондан ҳам тезроқ ва тўғрироқ фикрловчи компььютер олами қарши турганида ўзини яна ҳам ожиз ҳис эта бошлади.

Бошқа бир хавф-хатар – демографик портлаш хавфи қучайди. Биз бу ерда тараққиёт маҳсулини ҳам кўришимиз мумкин: тибиёт ютуқлари, айниқса, кам ривожланган мамлакатларда аҳолининг шу қадар тез тараққий этишига олиб келдики, ишлаб чиқаришнинг ўсиши унга ета олмаяпти.

Ўтган йигирма беш йил мобайнида инсоннинг яшаб қолишига жиддий таҳдид солаётган гигант кучлар ўсди, шу туфайли инсоннинг озодликдан қочишига интилиши қучайди

Бироқ умид бағишлийдиган белгилар ҳам мавжуд: Гитлер ва Сталин диктатуралари йиқилди. Совет блокида, айниқса, кичик давлатларда (гарчи улар ультраконсерватив ва тоталитар бўлсалар ҳам) сиёсий режимни либераллаштиришга бўлган тенденция аниқ кўзга ташланди.

Қўшма Штатлар ўз таъсирини кучайтиришга интилган турлича тоталитар ҳаракатларга хотиржамлик ва барқарорлик билан жавоб берди. Қора танлиларни сиёсий ва ижтимоий озод қилиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди – айниқса, қора танлилар ва оқ танлиларнинг teng ҳуқуқлилиги учун курашчилар авангардининг жасорат ва интизоми ўчмас из қолдирди.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, озодликка интилиш инсон табиятига хосдир: гарчи у (озодлик) бузиб талқин этилса ҳамда бостирилса ҳам, такрор ва такрор ўз кучини кўрсатаверади.

Бизни тетиклантирувчи бундай фактлар янгилишга олиб келмаслиги керак. Гүё бу китобнинг 1-нашридан кейинги ўтган вақт ичидаги «озодликдан қочиши» хавфи унча катта эмас, деган хато хуносага олиб келмаслиги керак. Хавф ортди. Бу – ижтимоий психологиянинг назарий кашфиётини ижтимоий ривожланишга таъсир кўрсатиш маъносида фойдасизdir, деган маънони англатадими? Бу саволга ишончли жавоб бериш foят мушкул.

Шу соҳада ишлаётган муаллиф ўз фаолияти ва ҳамкаслари фаолиятининг ижтимоий қадр-қиммати ҳақида ҳаддан ташқари оптимист бўлиши мумкин. Ишонч билан айта оламанки, индивидуал ва ижтимоий реалликни англашнинг зарурлиги тобора ортиб бормоқда.

Қисқа қилиб айтганда, бунинг сабаблари қуидагича: инсон ва жамиятнинг ҳозирги ҳаётини тадқиқ этувчилар учун шу нарса аниқки, олдимиздаги энг мушкул муаммо – инсон ҳис-туйғуси ривожланишининг инсон ақлий ривожланишидан ортда қолаётганлигидир.

Инсон мияси XX асрда яшашда давом этяпти; кўп одамларнинг қалби (ҳис-туйғуси) эса ҳалигача тош асидагидек. Инсон кўп ҳолатларда мустақил, ақлли, объектив бўлиш учун етарли даражада вояга етмади.

Шу сабабли у олий куч(Худо)дан ҳаётига маъно олмоқчи бўлади. Инсон ўзидағи иррационал эҳтиросларни – вайронкорликка мойилликни, нафрат, ҳасад ва қасоскорликни бостиради, у ҳокимият, пул, суврен давлат, миллат олдида тиз чўкади, гарчи у тиlda инсониятнинг буюк даҳолари – Будда, пайғамбарлар, Сократ, Исо, Муҳаммад(с.а.в) нинг таълимотларига содик эканлигини айтса-да, бу таълимотларни бидъат ва сифиниш воситасига айлантируди.

Инсоният бевақт интеллектуал-техник етуклик билан эмоционал-хиссий қолоқлык ўртасидаги ихтилофдан, ўз-ўзини йўқ қилишдан қандай қутулиши мумкин? Бунга жавоб битта: ижтимоий борлигимизнинг муҳим фактларини тушунишимиз, англашимиз зарур. Буни англаш объективликка бўлган қобилиятимиз ва оқилона мулоҳазани юксалтириб, бизни ўнглаб бўлмайдиган тентакликдан халос этади.

Биз битта авлоднинг ҳаёти давомида тасаввур ва тафаккуримизга ҳалокатли таъсир кўрсатаётган қалбимизнинг барча хатоларини бартараф этишга умид боғлай олмаймиз: эҳтимол, инсоният бир неча юз минг йил давом этган инсоний тарих-гача бўлган даврга ўсиб чиқиши учун минг йиллар зарур бўлар.

Бироқ ана шу ҳал қилувчи лаҳзада яхшироқ тушуниш ва кўпроқ объективлик инсоният учун ҳаёт ва ўлим ўртасидаги баҳс-мунозарани ҳал этиши мумкин. Шу боисдан ҳам ижтимоий психологиянинг илмий, динамик ривожланиши фоят муҳимдир. Физика ва тиббиёт ривожжи келтириб чиқарган хавф-хатарларга қарши туриш учун ижтимоий психологиянинг тараққиёти зарурдир.

Бу соҳада ишләётган тадқиқотчилар билимларимиз етарли эмаслигини англашлари мумкин. Умид қиласманки, бунга ўхшаш китоблар олимларга ижтимоий психологияни ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб, уларни ўз кучларини ижтимоий психологияни ривожлантиришга ундаши мумкин.

Мендан йигирма беш йил ўтгач, ўз назарий хулосаларингизни ўзгартирасизми, деб сўрашлари мумкин. Айтиш жоизки, фикримча, ўзининг энг

муҳим элементлари билан бу таҳдил тўғрилиги-ча қолмоқда; у янада ривожлантириш ва янгича талқин этишга муҳтождир.

«Озодликдан қочиши» асаримни тугатганимдан сўнг ўзим ҳам шундай қилишга уриндим. «Софлом жамият» китобимда ҳозирги жамиятни таҳдил қилишни кенгайтирдим ва чуқурлаштирдим; «Инсон қандай бўлса, шундай» китобимда авторитет ва кароматга асосланувчи эмас, балки инсон хусусидаги билимларимизга таянувчи ахлоқий нормалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқдим; «Севиш санъати» асаримда муҳаббатнинг турли жиҳатларини тадқиқ этдим; «Инсон моҳияти» асаримда нафрат илдизлари ва бузғунчиликка мойилликни; ниҳоят, «Иллюзиялар занжирининг нариги томонида» асаримда инсон тўғрисидаги динамик фаннинг икки буюк намояндаси – Маркс ва Фрейд қарашлари ўртасидаги муносабатни кўриб чиқдим.

Умид қиласманки, «Озодликдан қочиши» нинг бу нашри динамик ижтимоий психологияга бўлган қизиқишининг яна ҳам ўсишига имкон беради, ёшларда фаннинг бу соҳасига ўзини бағишлиш истагини уйғотади, чунки бу фан ўз ривожланишининг бошланғич нуқтасидадир.

Эрих Фромм
(1966)

1-БОБ. ОЗОДЛИК – ПСИХОЛОГИК МУАММО

Инсонни сиёсий, иқтисодий ва маънавий тушов (сиртмоқ)лардан озод қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар Европа ва Американинг янги тарихи учун қулай шарт-шароит яратди.

Янги ҳуқуқларга эришишни орзу қилган мазлумлар ўз имтиёзларини ҳимоя қиладиганларга қарши озодлик учун курашдилар. Бироқ муайян бир синф ўз озодлиги учун курашган вақтда, мен умум озодлиги учун курашяпман, деб ишонди ва бу билан ўз мақсадларини идеаллаштиришга, барча мазлумларни ўз томонига оғдиришга интилди.

Аммо озодлик учун узлуксиз давом этган кураш давомида даставвал зулмга қарши курашган синфлар озодлик душманлари билан бирлашдилар; озодликни кўлга киритишлари биланоқ уларда ҳам ҳимоя қилиниши зарур бўлган янги имтиёзлар пайдо бўлди. Жуда кўп марта мағлубиятга учраганига қарамасдан, озодлик барибир фалаба қилди. Қул бўлиб яшашдан кўра, озодлик учун курашиб ўлиш яхшироқ, деб ҳисоблаган жуда кўп жангчилар озодлик фалабаси йўлида ҳалок бўлдилар.²

Ана шу ўлим уларнинг индивидуаллиги олий даражада қарор топганлигини тасдиқлади. Тарих шуни исботладики, инсон ўзини бошқаришга, ўзи тўғри деб ҳисоблаган йўсинда фикрлаш ва ҳис этишга қодир. Ижтимоий ривожланиш жараёни инсон қобилиятларининг

² Хусусан, 815 йилда Озарбайжонда Араб халифалигига қарши кўтарилиган Бобек бошлигига халқ қўзғолонининг шиори ҳам «Қирқ кун қул бўлиб яшагандан бир кун озод бўлиб яшаган маъкул» эди.

тўла намоён бўлишидек эзгу мақсад томон ил-дамлик билан яқинлашиб борди.

Иқтисодий либерализм, сиёсий демократия, черковни давлатдан ажратиш ва шахсий ҳаётдаги индивидуализм принциплари эркинликка бўлган интилишга етаклади ва айни вақтнинг ўзида озодлик ўз ифодасини топишига янада яқинлашишга сабаб бўлди.

Қуллик кишанлари бирин-кетин емирила бошлиди. Инсон табиат зулмидан қутулди ва табиатнинг хўжайинига айланди; у черков ҳукмронлиги ва давлат абсолютизмини ағдариб ташлади.³ **Ташқи зулм (зўравонлик)ни йўқ қилиш шунчаки зарурият эмас, балки эзгу мақсад – ҳар бир инсонни озод қилишнинг зарур шарти бўлиб қолди.**

Жуда кўп одамлар Биринчи жаҳон урушини сўнгги уруш, унинг тугашини эса озодликнинг узил-кесил ғалабаси, деб ҳисоблади: мавжуд демократиялар кучайгандек, эски монархиялар ўрнига янги демократиялар келгандек бўлиб туйилди. Бироқ бир неча йил ўтмасдан, янги тизимлар пайдо бўлиши биланқ, асрлар давомида озодлик учун курашда қўлга киритилган барча ютуқларга абадий қора чизик тортилганлиги аён бўлди.

Кўпчилик томонидан қабул қилинган ва энг хатарли бўлган яна бир иллюзия шундан иборат эдик, Гитлерга ўхшаган одамлар гўё давлат аппаратурини хоинлик ва айёрик йўли билан қўлга киритди; улар ва уларнинг қўл остидагилари фақат қў-

³ Абсолютизм – лотинча «absolutes» (шартсиз, чекланмаган) сўзидан олинган бўлиб, давлатнинг фуқаролар устидан чекланмаган ҳокимияти ўрнатилган бошқарув шаклини ифодалайди.

пол зўравонликка таянди, бутун халқ эса сотқинлик ва террорнинг чорасиз қурбони бўлди.⁴

Фашистик режимлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг ўтган йиллар бундай қарашларнинг хато эканини яққол кўрсатди. Эътироф қилишимиз жоизки, Германияда миллионлаб одамлар ўз озодлигидан зўр бериб воз кечишиди. Ҳолбуки, уларнинг ота-боболари озодлик учун бор кучи билан курашган эдилар; улар озодликка интилмадилар, аксинча, ундан халос бўлиш йўлларини изладилар; бошқа миллионлаб одамлар эса озодликка бефарқ эдилар, улар озодлик ҳимояси курашиш ва фидо бўлишга арзиди, деган foяга ишонмас эдилар.

Шу билан бирга, шуни ҳам англадикки, демократия инқирози фақат италян ва немисларга хос муаммо эмас. У ҳозирги пайтда ҳар бир давлатга таҳдид солади. Айни вактда инсон озодлиги душманларининг қандай байроқ остида майдонга чиқишилари муҳим эмас. Агар озодликка фашизм⁵ эмас, антифашизм номи билан ҳужум қилсалар, хавф-хатар ҳеч қанча камайиб қолмайди. Бу фикр Жон Дьюи томонидан жуда яхши ифода этилганки, мен уни келтириб ўтаман:

«Бизнинг демократиямиз учун жиддий хавф бошқа тоталитар давлатларнинг мавжудлигига эмас. Ўз шахсий дастурларимизда, ўз ижтимоий институтларимизда шундай шарт-шароитлар мавжудки, улар бошқа давлатларда ташқи ҳокимиятнинг устунлигига, темир интизомга, бир хил-

⁴ Иллюзия – борлиқни, воқеликни нотўғри идрок қилишдан ҳосил бўлган соҳта тасаввур, тушунча.

⁵ Мен «фашизм» терминини италян ёки герман типидаги диктатурани таърифлаш учун кўллайман. Айнан герман фашизми тизимини кўриб чиқишида нацизм терминидан фойдаланаман.

ликка, доҳийларга қарамликка олиб келди. Хавф ана шунда. Бинобарин, жанг майдони шу ерда, ўзимизнинг ичимиизда, ижтимоий институтларимиздадир».⁶

Агар фашизмга қарши курашишни хоҳласак, биз уни тушунишимиз (билишимиз) керак. Ҳом-хаёл фикрлар бизга ёрдам бермайди, оптимистик формулаларни такрорлайвериш эса худди ёмгир ёғишини чақириш учун ҳинд рақс маросимини ўтказиш каби бефойда ва самара сиздир.

Фашизмнинг пайдо бўлишига имкон берган иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлардан ташқари инсон муаммоси ҳам мавжуд бўлиб, уни тушуниш зарур. Мазкур китобнинг мақсади ҳам ҳозирги замон инсон психикасидаги динамик омилларни таҳдил қилишдир: ана шу омиллар фашистик давлатларда одамларни озодликдан возкечишга унлади; бундай омиллар миллионлаб кишилар онгига яшаашда давом этяпти.

Биз озодликнинг инсоний аспекти, ҳокимиятга бўйсуниш ва ҳокимиятга интилиш ҳақида гапи-рар эканмиз, энг аввало, қўйидаги саволлар пайдо бўлади: инсон тажрибасида озодлик қандай маъно англаатади? Озодликка интилиш инсон табиати билан узвий боғлиқ, деган фикр тўғрими? У инсон яшаётган шарт-шароитга, маданиятнинг муайян дарражасига, муайян жамиятдаги индивиднинг ривожланиш дарражасига боғлиқми? Озодлик ташқи зўравонликнинг мавжуд эмаслигини англатадими ёки у ниманингdir мавжуд бўлишини ҳам ифодалайдими? Агар шундай бўлса, у нима? Қандай ижтимоий ва иқтисодий омиллар озодликка интилишнинг ривожланишига имкон беради?

⁶ John Dewey. Freedom and Culture. G.P. Puthams Sons. New York, 1939.

Озодлик инсон кўтара олмайдиган оғир юк бўлиши мумкинми? Ёки озодлик инсон қутулишга интиладиган қандайдир нарсами? Нима учун озодлик баъзи одамлар учун эзгу орзу, бошқалар учун таҳдид? Озодликка турма интилишдан ташқари бўйсунишга инстинктив интилиш мавжуд эмасмикин?

Агар йўқ бўлса, у ҳолда қўпчиликка хос бўлган доҳийга бўйсунишга бўлган мойилликни қандай изоҳдаш мумкин? Бўйсуниш ҳар доим кўзга ташланиб турган ташқи ҳокимиятга нисбатан пайдо бўладими ёки бурч ва виждан сингари ички авторитетга бўйсуниш сифатида ҳам намоён бўладими? Бўйсуниш қандайдир яширин қониқишининг манбаи эмасмикин? Агар шундай бўлса, моҳияти нимадан иборат? Одамларни ҳокимиятга ташналикка нима мажбур қиласди: Ҳаётий энергиясининг кучими ёки аксинча, ожизлиги ва бошқалардан мустақил яшашга ноқобиллигими? Қандай психологияк мотивлар уларда ана шундай интилишнинг кучайишига имкон беради? Ўз навбатида, қандай ижтимоий шарт-шароитлар бундай психологик турткилар учун асос бўлиб хизмат қиласди?

Озодликнинг инсоний аспектлари ва авторитаризмни таҳдил қилиш бизни психологик омиллар ижтимоий ривожланиш жараёнларининг фаол кучлари сифатида қандай роль ўйнашини кўриб чиқишига ундейди. Бу эса психологик, иқтисодий ва мафкуравий омилларнинг ўзаро таъсири муаммосини ўрганишни талаб этади.

Фашизмнинг бутун бир халқлар учун жозибадорлик кучини тушунишга бўлган ҳар қандай уриниш бизни психологик омилларнинг ролини эътироф этишига ундейди. Биз бу ерда сиёсий тизими назарда тутяпмиз, у моҳиятан инсон шахсий манфаатларининг рационал кучига таянмайди. У

инсондаги шундай шайтоний кучларни жунбишга келтирадики, биз уларнинг мавжудлигига ё ишонмаймиз ёки улар аллақачон йўқолиб кетган, деб ҳисоблаймиз.

Сўнгги асрлар давомида инсон тўғрисида кенг ўйилган фикр шундан иборат эдики, инсон – ақдли мавжудот, унинг фаолияти манфаатлари ва қобилиятларига мувофиқ равишда рўй беради. Ҳатто ҳокимиятта ташналик ва душманликни инсон хулқ-атворининг ҳаракатлантирувчи кучлари деб ҳисоблаган Гоббс сингари муаллифлар бундай кучларнинг мавжудлигини шахсий манфаатларнинг мантиқий маҳсули, деб изоҳдадилар. Одамлар тенг экан, баҳтли бўлишга бир хилда интилар экан ва ижтимоий бойлик уларни баҳтли қилиш учун етарли эмас экан, кураш муқаррардир; одамлар ҳокимиятга интиладилар, бу билан ўз келажакларини яратадилар. Бироқ Гоббснинг чизмаси эскирди. Ўрта синф ўтмишдаги сиёсий ва диний мулкдорлардан ҳокимиятни тортиб олишда кўплаб ютуқларга эришди.

Миллионлаб одамларнинг иқтисодий аҳволи мустаҳкамланди. Шу билан бир қаторда оламнинг оқилона ташкил этилганлиги, инсоннинг ақдли мавжудот эканлигига бўлган ишонч мустаҳкамланди. Инсон табиатидаги қоронфи ва шайтоний кучлар ўрта асрларга улоқтирилди.

Тарихнинг зулматли даврларига худди сўнган вулқонга қараган сингари назар ташладилар, чунки у хавфсиз эди.

Ҳамма шунга ишонч ҳосил қилдики, ўтмишдаги ёвуз кучлар ҳозирги замон демократияси ютуқлари билан аллақачон йўқ қилинди; олам ёруғ ва хавфсиз бўлиб туйилди, худди шаҳар кўчалари электр нурларидан чароғон бўлгани сингари.

Иқтисодий инқизорлар мунтазам тақрорланса-да, тасодиғий ҳодиса деб ҳисобланған. Фашизм ҳокимиятта келған вақтда күпчилік одамлар бұнга на назарий, на амалий жиҳатдан тайёр әдилар. Улар ўзларини инсон шунчалар ёвуз ва ҳокимиятта шунчалар ташна бўлишига, ожизлар ҳуқуқини поймол этиб, уларни бўйсундиришга шунчалар интилиши мумкинлигига ишонтира олмас әдилар.

Жуда оз одамларгина вулқоннинг портлашидан олдинги шарқираган овозини эшилди. XIX асрнинг оптимизми Ницше ва Марксни турли ўриндан ташвишлантириди. Сал кейинроқ Фрейднинг огоҳлантирувчи овози янгради.

Аслида, Фрейд ва унинг шогирдлари жамиятта рўй берәётган жараёнлар тўғрисида жуда содда тасаввурга эга әдилар. Кўп ҳолларда унинг психологияни ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қўллаши хато хуносаларга олиб келди. Бироқ у ўзининг куч ва билимини индивидуал психик ва ақдий бузилиш (хасталик)ларни ўрганишга бағишлаб, бизни вулқоннинг энг юқори чўққисига олиб чиқди ва қайнаётган кратерни кузатишга мажбур қилди.

Фрейдга қадар ҳеч ким кўп жиҳатдан инсон хулқ-авторини белгилайдиган иррационал, онгости кучларни кузатиш ва ўрганишга етарлича эътибор бермаган эди. Фрейд ва унинг издошлиари ҳозирги замон психологиясида инсон психикасидаги онгости қатламни кашф этибгина қолмай (рационалистлар буни бутунлай инкор қиласар әдилар), бу иррационал ҳодисалар муайян қонунларга бўйсунишини ва шу боисдан уларни рационал изоҳлаш мумкинлигини кўрсатдилар.

У бизни тушлар таъбирига, соматик симптомларни тушунишга, инсон хулқ-авторидаги ному-

таносиблик тилини тушунишга ўргатди. Ана шу номувофиқлик инсон характерининг бутун тузилиши сингари ташқи олам таъсирлари, айниқса, илк болалик чоғида содир бўлган турли таъсирларга бўлган реакциядир.

Бироқ Фрейд ўз маданияти руҳига шу қадар юқори эътибор билан қарадики, натижада ушбу маданиятнинг муайян, шартланган чегараларидан ташқарига чиқа олмади. Ана шу чегаралар унга ҳатто айрим беморларни тушунишига имкон бермади. Соғлом одамларни, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги иррационал ҳодисаларни тушунишига халақит берди.

Мазкур китоб психологик омилларнинг ижтимоий ривожланиш умумий жараёнидаги ролини таъкидлар экан ва мазкур анализ Фрейднинг айрим фундаментал кашфиётларига, хусусан, онгости кучларнинг инсон характеридаги роли ва бу кучларнинг ташқи таъсирга боғлиқлиги тўғрисидаги кашфиётига асосланар экан, менимча, китобхон учун муаммога ёндашувимизнинг асосий тамойиллари ва Фрейднинг классик концепцияси билан ушбу ёндашувлар ўртасидаги тафовутни билиш фойдали бўларди.⁷

⁷ Психоаналитик ёндашув гарчи Фрейд назариясининг фундаментал ютуқларига таянишига қарамасдан, жуда кўп муҳим жиҳатларда Фрейднинг ўз концепциясидан фарқлашишини К.Хорнининг «Психоанализда янги йўллар», Г.Салливеннинг «Хозирги замон психиатрияси концепциялари» асарларида кўриш мумкин. Гарчи бу муаллифларнинг кўп масалаларда ёндашуви турлича бўлишига қарамай, бизнинг қарашларимиз билан уларнинг қарашлари ўртасида кўп умийликлар мавжуд.

Киёсланг. Буркхардт Я. Культура Италии в эпоху Возрождения. Т. 1. СПб., 1905. С. 171.

Фрейд инсон ва жамиятни бир-бирига қарши кўювчи анъанавий дастурни, шунингдек, инсон табиатининг ёвузлиги тўғрисидаги анъанавий доктринани қабул қилди. Фрейднинг фикрича, инсон моҳияттан файриижтимоийдир. Жамият инсоннинг биологик эҳтиёжларини қондиришига имкон бериши керак. Бироқ жамиятнинг бош вазифаси инсондаги асосий, тубан импульсларни тозалаш ва чеклашдир. Ушбу табиий импульсларни жамият томонидан бостирилиши натижасида қандайдир мўъжизавий ҳодиса рўй беради: бостирилган майллар ўз шаклини ўзгартириб, маданий қимматга эга бўлган интилишга (адабиёт, санъатга хос интилишлар) айланади ва шундай қилиб, маданиятнинг асоси бўлиб қолади. Фрейд ана шу бостирилган майлнинг маданий хулқ-атворга ўтиш жараёнини «сублимация» тушунчаси орқали ифодалади.

Агар бостириш даражаси сублимация қила олиш қобилиятига нисбатан ўта кучли бўлса, индивидлар невротик бўлиб қолади (ҳаддан зиёд бостирилган майллар инсонни невротик ҳолатига олиб келади). У ҳолда бостиришни юмшатиш зарур. Умуман олганда, инсон интилиш-майлларини қондириш билан маданият ривожи ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд: бостириш қанча кучли бўлса, маданият ютуқлари ҳам шунча кўп бўлади (ва невротик хасталиклар хавфи ҳам шунча кўп бўлади).

Фрейд таълимотида индивиднинг жамиятга муносабати моҳияттан статик (барқарор) характерга эга: жамият инсоннинг табиий майлларини бостириса (бу билан кўпроқ сублимацияга мажбур этади) ёки жамият инсоннинг табиий майлларини қон-

диришга имкон берса (бу билан маданият қурбон этилади), инсон ўзгаради, акс ҳолда, индивид ахлоқ нуқтаи назаридан доим бир хил бўлиб қолаверади.

Унинг инсон табиати тўғрисидаги концепцияси олдинги психологияр қабул қиласан асосий инстинктларга ўхшаб, ҳозирги инсонда намоён бўладиган энг муҳим интилишларни акс эттиради. Фрейд концепциясида индивид, умуман, «инсонни» ифода этади; жамиятимиздаги инсон учун характерлар бўлган эҳтирос ва ташвишлар эса инсоннинг биологик табиатида мужассамлашган ўзгармас кучлар қаторига киритилди.

Юқоридаги фикрларни тасдиқловчи жуда кўп-лаб мисоллар келтириш мумкин (масалан, ҳозирги инсондаги душманликнинг ижтимоий асослари, Эдип комплекси ва ҳ.к.), бироқ мен фақат биттаси ҳақида тўхтамоқчиман, чунки бу ижтимоий мавжудот сифатидаги инсон концепцияси учун муҳимдир.⁸

Фрейд инсонни бошқалар билан муносабатда ўрганди, бироқ бу муносабатлар капиталистик жамиятдаги шахс характерига хос бўлган иқтисодий муносабатларга ўхшашdir. Ҳар ким ўзи учун таваккалига ҳамда даставвал бошқалар билан ҳамкорликсиз ишлайди. Бироқ у Робинзон Крузо эмас, бошқалар унга сотиб оловчи, ишчи ёки иш берувчи сифатида зарур: у сотиб олиши ва сотиши, олиши ва бериши керак. Бу ерда гап товар ёки ишчи кучи ҳақида кетишидан қатъи назар, муносабатларни бозор тартибга солади.

⁸ Эдип комплекси (Oedipus complex) – боланинг ўз жинсидаги ота ёки онасини «четга олиб ташлаб» қарама-қарши жинсдаги ота ёки онасини «тасарруф қилиш»ни истаб, отонаси билан бўлган муносабатларда бошдан кечирадиган бир гурӯҳ ғайришуурый хоҳиш, ишқий ва адоват ҳислари.

Шундай қилиб, индивид дастлаб ёлғиз ўзи ягона мақсад йўлида, яъни сотиш ёки сотиб олиш учун бошқа одамлар билан иқтисодий муносабатларга киришади. Инсоний муносабатларнинг Фрейдча концепцияси моҳияттан иқтисодий муносабатлардан нусха олади. Индивид бизнинг кўз оддимизда қондириши зарур бўлган биологик эҳтиёжларнинг тўла йифиндиси сифатида намоён бўлади. Ана шу эҳтиёжларни қондириш учун индивид бошқа одамлар билан муносабатга киришади. Шундай қилиб, индивид учун бошқалар «объект» ҳисобланади, унинг ягона мақсади эҳтиёжларни қондириш ҳисобланади.

Фрейднинг фикрича, инсоний ўзаро муносабатлар майдони бозорга ўхшайди: у биологик эҳтиёжларни қондиришни айирбошлашдир. Бу ерда индивиднинг бошқа одамлар билан алоқаси мақсад эмас, балки мақсадга эришиш воситасидир.

Фрейднинг қарашларига зид равишда мазкур китобда қуйидаги тоғирилган сурилади: **психологиянинг бош муаммоси инсондаги инстинктив эҳтиёжларни қондириш эмас, балки индивиднинг ташки олам билан ўзига хос боғлиқлигидир**. Бизнинг фикримизча, инсон билан жамият ўртасидаги алоқа статик эмас. Биз, бир томондан, индивид табиий эҳтиёжлар йифиндисидан иборат; иккинчи томондан, унга боғлиқ бўлмаган ва алоҳида жамият мавжуд бўлиб, у индивид эҳтиёжларини қондириш ёки бостириш билан шугулланади, дея олмаймиз. Албатта, табиат томонидан шартланган ва ҳамма учун умумий бўлган эҳтиёжлар – очлик, ташналил, жинсий эҳтиёж мавжуд, бироқ инсон характерини бир-биридан фарқлашга олиб келадиган интилишлар – муҳаббат ёки нафрат, ҳо-

кимиятга ташналиқ ёки бўйсунишга мойиллик ёки унинг олдида қўрқиши – буларнинг ҳаммаси ижтиомий жараён маҳсулидир. Инсонга хос энг гўзал ва энг хунук жиҳатлар биологик шартланган инсон табиатидан келиб чиқмайди, балки инсон шахси шаклланишининг ижтиомий жараёни маҳсули сифатида вужудга келади.

Бошқача қилиб айтганда, жамият фақат бостириш вазифасини бажарибгина қолмай, шахсни яратиш вазифасини ҳам амалга оширади.

Инсон табиати – инсон эҳтирослари ва ташвишлари – бу маданият маҳсули; аслида, кишининг ўзи – шахс томонидан амалга оширилган узлуксиз саъй-ҳаракатларининг энг муҳим ютуғи бўлиб, ана шу саъй-ҳаракатларнинг узун қайдини биз тарих, деб атаемиз.

Ижтиомий психологиянинг бош вазифаси – инсоннинг тарихий жараёнда шаклланишини тушунишdir. Нима учун бир тарихий даврдан бошқасига ўтиш даврида инсон характерида ўзгариш рўй беради? Нима учун Ўйғониш даври руҳи ўрта аср руҳидан фарқданади? Нима учун монополистик капитализм шароитидаги инсон характери XIX асрдаги сингари эмас? Ижтиомий психология нима учун янги қобилияtlар ва янги эҳтирослар, яхшилик ва ёмонлик вужудга келишини тушунишириши керак? Масалан, бизга яхши маълумки, Ўйғониш давридан бошлаб то ҳозиргача кишилар шон-шуҳратга жон-жаҳдлари билан интиладилар. Табиийдек туйиладиган бу интилиш Ўрта аср жамияти кишиси учун асло хос эмас эди.

Ана шу даврда одамларда табиат гўзаллигини англаш ривожланди, ҳолбуки, илгари у йўқ эди.

Шимолий Европа мамлакатларида XVII асрдан бошлаб меҳнатга тинимсиз интилиш пайдо бўлди, бунгача озод инсонда меҳнатга бундай интилиш йўқ эди.

Бироқ одамлар тарих томонидан яратилмайди, балки одамлар тарихни яратадилар. Ана шу зиддиятни ҳал этиш ҳам ижтимоий психологиянинг вазифасидир.⁹ Ижтимоий психология нафақат янги эҳтирослар, интилишлар ва ташвишлар ижтимоий жараён маҳсули сифатида қандай вужудга келишини кўрсатиши, балки ўзига хос шаклларда намоён бўладиган инсон энергияси, ўз навбатида, ана шу ижтимоий жараёнларни қай тарзда шакллантиришини ҳам изоҳлаши лозим. Масалан, шон-шуҳрат, ғалабага интилиш ва меҳнат эҳтиёжи шундай куч сифатида намоён бўлдики, буларсиз ҳозирги замон капитализми ривожлана олмас эди; ана шу стимулларсиз ҳеч ким ҳозирги замон савдо-саноат тизимининг иқтисодий ва ижтимоий талабларига ўзини муовфикалаштира олмаган бўларди.

Фрейд тарихни ижтимоий таъсирга учрамаган психик кучлар саъй-ҳаракатининг маҳсули, деб тасаввур қилди. Юқоридагилардан аён бўладики, Фрейднинг нуқтаи назари тўғри эмас. Шу билан бир қаторда биз ижтимоий ривожланиш динамикасида инсон омилиниң ролини инкор этадиган назарияларга ҳам қўшила олмаймиз. Бу социологиядан ҳар қандай психологик муаммоларни чиқариб ташлашга интидувчи Дюргейм ва унинг мактаби сингари социологик назарияларгагина эмас, балки у ёки бу даражада бихевиористик

⁹ Социологлар: Р.Бенедикт, Ж.Хелловел, Р.Линтон, М. Мид, Э.Сэпирнинг асаллари билан қиёсланг.

психология билан боғланган назарияларга ҳам тегишилдири.¹⁰ Ушбу назарияларга хос бўлган умумий хатолик шундаки, улар инсон табиатининг ўз динамикаси йўқ, психик ўзгаришларни эса жамиятнинг янги шароитларига мослашиш жараёнида вужудга келган янги «одатлар» нинг пайдо бўлиши сифатида изоҳлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Гўё психологик омилини эътироф этувчи ушбу назариялар уни муайян жамиятдаги муайян стандарт хулқ-авторнинг шунчаки инъикоси даражасига туширадилар.

Фрейд томонидан асосланган динамик психология инсон омилини сўзда эътироф этибина қолмай, балки амалда тушунишга ҳам ёрдам бериши мумкин. Гарчи олдиндан қайд этилган, қатъий, ўзгармас «инсон табиати» мавжуд бўлмаса-да, биз инсон табиатига қандайдир чексиз ўзгарувчан ҳодиса ёки ўзининг психик ўзгарувчанлик қобилиятига эга бўлмай туриб, ҳар қандай шароитга мослашиб кетишга тайёр ҳодиса сифатида қарай олмаймиз. Гарчи инсон табиати тарихий эволюция маҳсули бўлса ҳам, у ирсият механизмларни ўз ичига олади, муайян қонунларга эга бўлади. Психологиянинг вазифаси ана шу қонун ва механизmlарни кашф этишдир.

Юқорида айтилган ва қўйида айтиладиган фикрлар тушунарли бўлиши учун бу ерда адаптация (мослашиш) тушунчасига аниқлик киритиш зарур. Айни вақтда биз психик механизмлар ва қонунлар тушунчалари қандай маъно англастиши ни ҳам кўриб чиқишимизга тўғри келади.

¹⁰ Бихевиоризм – инглизча «behaviour» – хулқ-автор сўзидан олинган бўлиб, психологиянинг предмети инсон ва ҳайвонларнинг феъл-авторига тизимли ёндашиш бўлган йўналиши.

«Статик» ва «динамик» адаптацияни бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Биз статик адаптация деганда, инсон характери ўзгармагани ҳолда унда қандайдир янги одатлар пайдо бўладиган адаптацияни, масалан, овқатни хитойча чўп билан ейишдан европача вилка ва пичоқ билан ейишга ўтиш вақтида янгича одатнинг пайдо бўлишини тушунамиз. Хитойлик Америкага келгач, ўзи учун янги бўлган одатга мослашади, бироқ бундай адаптация унинг шахси ўзгаришига олиб келмайди – у янги характер белгиларига ҳам, янгича интилишга ҳам эга бўлиб қолмайди.

Боланинг қаттиққўл, шафқатсиз отага итоат қилиши динамик адаптацияга мисол бўла олади. У бошқача ҳаракат қилишдан ниҳоятда қўрқади ва «итоаткор» бўлиб қолади. Айни вақтда бола бошқача вазиятга мослашаётган вақтда унда қандайдир ўзгаришлар рўй беради. Унда отасига нисбатан душманлик пайдо бўлиши мумкин. Бироқ у нафрат ҳиссини бостиришга ҳаракат қиласди, чунки нафрат ҳиссини намоён этиш нари турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлаш ҳам хатарли ҳисобланади. Ана шу бостирилган душманлик ҳисси, гарчи ҳеч қачон рўёбга чиқмаса ҳам, унинг характерида динамик омил бўлиб қолади. У боланинг ота олдидағи қўрқувини янада кучайтириши ва бу билан уни яна ҳам кўпроқ бўйсунишга олиб келиши мумкин; унда номаълум исёнкорликни вужудга келтириши, бу исёнкорлик муайян бир одамга қаратилмаса-да, умуман, ҳаётга қарши қаратилиши мумкин. Биринчи ҳолатда бўлгани сингари бу ерда индивид ташки шароитга мослашади, бироқ бундай мослашиш уни ўзгартиради, унда янгича интилишлар пайдо бўлади.

Ҳар қандай невроз динамик адаптацияга яхши мисолдир. Невроз – индивиднинг ўсиши ва ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатадиган (айниқса, илк болалик даврида) иррационал ташқи таъсирларга мослашишдир. Муайян ижтимоий турұхтарда намоён бўладиган шунга ўхшаш ижтимоий психологик ҳодисалар, масалан, бузгунчи ва садистик импульсларнинг мавжудлиги кишиларнинг иррационал шароитга динамик мослашувиға ёрқин мисолдир. Нима учун бундай ижтимоий психологик ҳодисаларни невротик деб бўлмаслигини қуириқда муҳокама қиласиз.

У ёки бу ҳолатда адаптациянинг қайси тури мавжуд бўлади, деган масалага тўхташдан олдин қуидаги саволларга жавоб бериш лозим: одамларни ҳаётнинг ҳар қандай шароитига мослашишга нима мажбур этади? Ана шу мослашишнинг чегараси борми? Инсон табиатининг баъзи қирралари ўта ҳаракатчан бўлса, бошқалари унча сергайрат эмас. Одамларни бир-биридан фарқлайдиган характер белгилари ҳаддан ташқари эластик (ўзгарувчанлик, мослашиш қобилиятига эга)дир. Дўстлик ёки душманлик, бузгунчилик, ҳокимиятга ташналилк ёки бўйсунишга мойиллик, хасислик, ҳиссий лаззатланишга интилиш ёки улар олдидаги кўркув – шу ва яна бошқа интилиш ҳамда кўркув шакллари инсонда мавжуд экан, улар муайян ҳаёт шароитларига реакция (жавоб) сифатида ривожланади. Улар айниқса, турғундир. Улар инсон характерининг белгисига айланиши билан осонликча йўқолиб қолмайди ёки бошқа майллар билан уйғунлашиб кетмайди. Бироқ характернинг бу белгилари шу маънода ҳаракатчан ва ўзгарувчанки, индивид (айниқса болалигида) яшаши учун

тўғри келган вазиятга мос равишда ўзидағи у ёки бу майлни ривожлантиради. Бундай майлларнинг биронтаси инсон учун азалдан белгилаб берилган ва рўёбга чиқарилиши зарур бўлган инсон табиатининг ўзгармас унсурлари эмас (шунчаки, турли вазиятга мос равишда турли майллар шаклланади).

Индивид томонидан қўлга киритилган эҳтиёжларга зид равишда инсоннинг физиологик тузилиши билан шартланган эҳтиёжлари ҳам мавжуддир. Очлик, ташналиқ, уйқу каби эҳтиёжлар, ҳақиқатан ҳам, инсон табиати учун хос бўлиб, қондиришни қатъий талаб этади. Уларнинг ҳар бири учун муайян чегара мавжуд, чегарадан ҳатлаб ўтиш имконсиз. Чегарадан ўтишга уриниш жараёнида эҳтиёжни қондиришга бўлган истак инсоннинг бутун вужудини қамраб олади. Эҳтиёжларнинг физиологик шартланганлигини ўз-ўзини асрашга бўлган эҳтиёж сифатида таърифлаш мумкин. У ҳар қандай шароитда қондиришни талаб этадиган ва шу боисдан ҳам хулқ-авторнинг бирламчи мотиви ҳисобланадиган инсон табиатининг муҳим қисмидир.

Бошқача қилиб айтганда, инсон ухлаш, овқатланиш, ичиш, ўзини душманлардан ҳимоя қилиши имконига эга бўлиши керак. Бундай имкониятга эга бўлиш учун инсон меҳнат қилиши ва шундай шароитни яратиши керак. Бироқ «меҳнат» абстракт (мавҳум) категория эмас, меҳнат ҳамиша конкретдир. Бу муайян иқтисодий тизимдаги аниқ иш-фаолиятдир. Феодал хўжаликдаги крепостной деҳқон, ҳинд пуэблосидаги деҳқон, капиталистик жамиятдаги мустақил тадбиркор, универмаг сотувчиси, завод конвейеридаги ишчи – булар мутлақо тафовутли характер шаклларини ҳамда атрофдаги-

лар билан турли шаклдаги муносабатларда бўлишни талаб этадиган ҳар хил фаолият турлариридир.¹¹

Инсон туғилиши биланоқ тайёр саҳнада пайдо бўлади. У овқатланиши ва кийиниши керак. Бунинг учун ишлаши зарур. Унинг иш шароитлари ва усуллари эса у туғилган жамият боғлиқ.

Ҳар иккала омил – унинг яшашга бўлган эҳтиёжлари ва ижтимоий тизим битта индивид томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас. Ана шу омиллар фоят мослашувчан бўлган характер белгиларини ривожлантиришни талаб этади.

Иқтисодий тизимнинг муҳим хусусиятлари томонидан шартланган ҳаёт тарзи инсон характерини белгиловчи асосий ва ҳал қидувчи омилга айланади. Зоро, ўз ҳаётини сақдаб қолишга бўлган эҳтиёж мавжуд ҳаёт шароитларини қабул қилишга мажбур этади. Бироқ бу инсон бошқалар билан биргаликда қандайдир иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар қилишга интилмайди, дегани эмас. Даставвал унинг шахси муайян ҳаёт шароитида шаклланади, чунки оила ҳар доим бутун жамият ёки синфнинг характерли белгиларига эга бўлади, бола муқаррар равишда улар билан тўқнашади.¹²

¹¹ Крепостной – ўрта асрларда шаклланган жамият тузилиши бўлиб, крепостной ҳуқуққа асосан помешчик – ер эгалари, мулкдорлар ўзига қарашли деҳқонларни, уларнинг меҳнати ва мол-мулкини чексиз тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

¹² Мен ана шу муаммо муносабати билан вужудга келадиган битта хатоликдан огоҳлантирмоқчиман. Жамиятнинг иқтисодий тузилиши индивиднинг ҳаёт тарзини белгилар экан, ташқи шарт-шароитлар мажмуаси сифатида таъсир кўрсатади: шахс ана шу шароитда ривожланади. Бу иқтисодий шарт-шароитларни субъектив иқтисодий мотивлар билан аралаштириш ярамайди. Масалан, моддий бойлика интилишни кўпинча кишилар хулқ-авторини белгиловчи мотив деб ҳисоблайдилар; шу нуқтаи назар Ўйгониш даври муаллифларидан бошлиб Маркснинг айрим издошлари томонидан

Физиологик эҳтиёжлар – ягона зарурият, инсон табиатининг императив қисми эмас. Инсонда яна шундай бир эҳтиёж борки, у қондирилиши зарур. У физиологик жараёнларда мавжуд эмас, бироқ инсон борлигининг моҳиятини ташкил этади. Бу – инсоннинг теварак-атрофдагилар билан алоқа қилишга, ёлғизликдан қочишга бўлган эҳтиёжиdir.

Мутлақ, ёлғизликни ҳис этиш психик емирилишга олиб келади. Бу худди жисмоний очлик ўлимга олиб келишига ўхшайди. Бошқалар билан алоқадорлик жисмоний контакт билан айнан бир хил эмас.

Индивид жисмонан ёлғиз бўлиши, бироқ айни вақтда қандайдир foялар, ахлоқий қадриятлар билан ёки ҳеч бўлмаганда, ижтимоий стандартлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ана шу ҳолат уни жамоа билан бирга ва унга мансуб эканлигини ҳис этишига имкон беради.

Шу билан бирга, индивид бошқа одамлар орасида яшashi, бироқ ўзини мутлақо ёлғиз ҳис этиши мумкин. Агар бу ўз чегарасидан ўтса, шизофреник типдаги ақдий ожизликка олиб келиши эҳтимоли бор. Қандайдир қадриятлар, белгилар, асослар билан алоқанинг мавжуд бўлмаслигини биз ахлоқий ёлғизлик деб аташимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний ёлғизликка чидаб бўлмагани сингари ахлоқий (маънавий-руҳий) ёлғизликка ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг устига агар жисмоний ёлғизлик ўз ортидан ахлоқий (маънавий) ёлғизликни етаклаб келса, бунга асло чидаб бўлмайди.

айтилди, ҳолбуки, улар ўз устозларининг асосий концепциясини тушуна олмадилар. Аслида, бойликка муккасидан кетиши фақат айрим маданиятлар учунгина хосдир. Бошқа маданиятлар эса моддий бойликка нафрат уйғотадиган характерни шакллантириши мумкин.

Оlam билан маънавий алоқадорлик турлича шаклларда намоён бўлиши мумкин: хонақодаги сўфи (дарвеш), худога эътиқод қилувчи диндор, сиёсий курашда ўртоқлари билан фоявий бирдамлигини ҳис этиб турган камерадаги ёлғиз маҳбус руҳий жиҳатдан ёлғиз эмас.

Энг экзотик шароитда ҳам эгнидан смокингини ечмайдиган инглиз жентельмени ёки ўз муҳитидан ажратилган кичик буржуа – булар ўзларини миллат ёки қандайdir рамзлар билан бирга ҳис этадилар.

Оlam билан ушбу тарздаги алоқадорлик юксак ёки юзаки характерга эга бўлиши мумкин. Бироқ агар у фоят тубан асосга эга бўлса ҳам, ёлғизликдан кўра афзалроқдир.

Дин ва национализм, ҳар қандай одат, ҳар қандай бидъатлар (ҳатто энг тубанлари ҳам) – агар улар инсонни бошқалар билан боғласа, инсонни ёлғизликдан қутқаради.

Ахлоқий (маънавий) ёлғизликдан халос бўлишга бўлган эҳтиёж Бальзакнинг «Ихтиорчининг изтироблари»¹³ асарида ёрқин тасвиrlанган. «Доимо ёдингда тут ва идрок этувчи миянгга муҳрлаб қўй: ёлғизлик инсонни даҳшатга солади... Ёлғизликнинг барча турлари ичida маънавий ёлғизлик даҳшатлироқдир.

Инсоннинг биринчи эҳтиёжи ўзига яқин ўртоқ топишдир. Инсон ана шу ҳиссиётини қондириш учун бутун куч-қудрати, имконияти ва қалбини ишга солади.

Масаланинг муҳим томони шундаки, инсон бошқалар билан ҳамкорликсиз яшай олмайди. Ҳар қандай жамият шаклида, инсон яшашни хоҳласа,

¹³ «Кашфиётчининг изтироблари» – «Йўқотилган иллюзиялар» романининг З-қисми. (Таржимон изоҳи)

душманларидан, табиатдаги хавф-хатарлардан ҳимояланишни ёки меңнат қилиш ва ҳаёт учун зарурт воситалар ишлаб чиқариш имконига эга бўлишни истаса, бошқалар билан бирлашиши керак.

Ҳатто Робинзоннинг ҳам ўз Жумавоий бор эди. Усиз, эҳтимол, ақддан озган ёки ўлган бўларди. Чақалоқ ўзининг ҳаётий функцияларини мустақил бажара олмайди, шу боисдан ҳам бошқа одамлар билан мулоқотда бўлиш чақалоқ учун ё ҳаёт, ё ўлим масаласидир. Ёлғизликда қолиш бола ҳаёти учун ўта жиддий хавфdir.

Бироқ яна бир сабаб мавжуд бўлиб, унга кўра жамиятга мансублик ҳаётий заруриятдир: бу – субъектив ўз-ўзини англаш. Фикрлаш қобилияти инсонга ўзини табиатдан ва бошқа одамлардан алоҳида индивидуал мавжудот сифатида англаш имконини беради ва уни шунга мажбур қиласди.

Кейинги бобда биз бу масалага тўхталамиз: ўз-ўзини англаш даражаси турлича бўлиши мумкин, бироқ у ҳамиша мавжуд бўлади. Бунинг натижасида айнан инсонга оид муаммо вужудга келади: инсон ўзининг алоҳидалигини, ҳатто фирашира бўлса-да, касаллик, қариллик ва ўлимнинг муқаррарлигини англар экан, у ўзининг ҳеч нарсага арзимаслигини, атрофдагилар билан қиёслагандан ҳеч ким эмаслигини ҳис қилмаслиги мумкин эмас. Агар у бирор жамоага мансуб ёки ҳаёти қандайдир маъно ва йўналишга эга бўлмаса, ўзини кўпик, деб ҳис этади, ёлғизликни ҳис этиш уни баттар эзади. Инсон ўзини қандайдир тизимга мансуб ҳис этиш имконига эга бўлиши керак. Токи у инсон ҳаётига маъно ва йўналиш берсин, акс ҳолда, уни шубҳалар қамраб олади, ҳаракат қилиш, яшаш имконидан маҳрум этади.

Тадқиқотни давом эттиришдан олдин ижтимоий психология муаммоларига умумий ёндашувилизни умумлаштириш фойдалидир. Инсон табиати бу – туфма, биологик мустаҳкамланган майллар йиғиндиси эмас, бироқ айни вақтда ижтимоий шароитлар қолипидан кўчирилган жонсиз қисмлар ҳам эмас, бу муайян туфма механизмлар ва қонунлар билан синтезлашган тарихий эволюция маҳсулидир. **Инсон табиатига айрим ўзгармас омиллар хосдир: бу – физиологик эҳтиёжларни қондириш зарурияти ва маънавий ёлғизликдан қочиш зарурияти.**

Юқорида кўрдикки, индивид ҳар бир жамият учун хос бўлган ишлаб чиқариш ва тақсимот тизимида чуқур илдиз отган ҳаёт тарзини қабул қилишга мажбур. Ана шу ҳаёт тарзига нисбатан динамик адаптация жараёнида индивидда унинг ҳис-туйғуси ва ҳаракатига мотив бўлувчи қатор кучли стимуллар ривожланади. Бу стимуллар индивид томонидан англаниши ёки англанмаслиги мумкин, бироқ ҳар икки ҳолатда ҳам улар инсон психикасининг кучли омили бўлиб қолади ва вужудга келиши биланоқ қондиришни талаб этади.

Ушбу стимуллар ўз навбатида, ижтимоий ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатувчи фаол кучга айланади.

Иқтисодий, психологик ва идеологик омиллар бир-бирига қандай таъсир кўрсатишини, ана шу ўзаро таъсир муносабатларидан қандай хуносалар чиқариш мумкинлигини қўйида реформация ва фашизмни таҳдил қилишда кўриб чиқамиз.¹⁴

¹⁴ Психологик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар ўзаро муносабатининг умумий муаммолари китобнинг илова қисмida кўриб чиқиласди.

Тадқиқотимиз асосида мазкур китобнинг бош
фояси ётади: инсон табиат ва бошқа одамлар би-
лан бирдамликда ўсиб-улгаяди, «индивидуд» сифа-
тида шаклланади. Инсоннинг муҳаббат ва ижодий
меҳнат орқали бутун олам билан қўшилиш (қалбан
бирлашиш ҳис этиш) ёки унинг озодлиги ва инди-
видуаллигини йўқ қиласиган қандайдир таянчга
эга бўлишдан бошқа иложи йўқ.

2-БОБ. ИНДИВИДНИНГ ЯККАЛАНИШИ ВА ОЗОДЛИКНИНГ ИККИЁҚЛАМАЛИГИ

Асосий мавзумиз, яъни ҳозирги замон кишиси учун озодлик нима, инсон нима учун ва қандай қилиб ундан халос бўлишга интилади, деган саволларга жавоб топишдан олдин мавзудан бироз узоқ туюлиши мумкин бўлган концепцияни муҳокама қилишимиз зарур. Буни тушуниш ҳозирги жамиятдаги озодликни таҳдил қилишда жуда муҳимдир.

Мен бу ерда озодлик инсон ҳаётини (мавжудлигини) белгилайди, бундан ташқари, озодлик тушунчаси инсоннинг мустақил ва алоҳида мавжудот сифатида ўзлигини англаш даражасига боғлиқ равишда ўзгаради, деган қарашни назарга тутяпман.

Инсоннинг ижтимоий тарихи унинг ўзини атрофидаги оламдан, бошқа одамлардан алоҳида мавжудот сифатида англашидан, табиат билан бирлик ҳолатидан ўсиб чиқишидан бошланди. Узоқ тарих давомида буни англаб етиш жараёни ниҳоятда ноаниқ, заиф шаклни сақлади. Чунки индивид табиат ва ижтимоий олам билан мустаҳкам алоқада қолди. У ўзини алоҳида мавжудот сифатида англагани ҳолда айни вақтда ўзини ташқи оламнинг (табиат) бир қисми сифатида ҳис этди.

Индивиднинг бирламчи алоқалардан ўсиб борувчи яккаланиш жараёнини биз «индивидуаллашиш» деб атаемиз. Афтидан, бу жараён Янги даврда, яъни Уйғониш давридан то бизнинг кунларимизгача энг юқори даражага эришди.¹⁵

¹⁵ Янги давр – тарихий даврлаштиришнинг XVI–XIX асрларини қамраб оловчи қисми.

Биз ҳар бир индивиднинг ҳаёти тарихида шу жараённи кўришимиз мумкин. Туғилган бола онаси билан яхлит бирликни ташкил этмайди. Онадан биологик ажralиш инсон индивидуал ҳаётининг ибтидоси бўлса-да, бола узоқ вақт давомида онаси билан функционал бирликни сақладайди.

Образли қилиб айтганда, индивид ҳозирча уни ташки өlam билан боғловчи киндигидан узилмаган экан, у озод эмас. Бироқ ана шу боғланиш унга нимагадир мансублигини ҳис этишга имкон беради, унинг хавфсизлигини таъминлайди. Мен индивидуаллашув жараёнига қадар мавжуд бўлган ана шу алоқаларни «бирламчи алоқалар» деб аташни таклиф қиласман. Улар табиий, органик алоқалар бўлиб, инсоннинг нормал ривожланиши учун табиий омил ҳисобланади.

«Бирламчи алоқалар» боланинг индивидуаллигини истисно этади, лекин индивидга ишонч ва ҳаётий мўлжалларини топиш имконини беради. Ана шу алоқалар болани она билан, ибтидой одамни қабила ва табиат билан боғлайди.

Инсон ана шу бирламчи алоқалардан озод бўлиб, тўла индивидуалликка эришганидан сўнг унинг олдида янги вазифалар пайдо бўлади: бу оламда ўз ўрнини топиши, камолга эришиши, илгариги ҳаёти даврида зарур бўлмаган қандайдир янги кафолатга эга бўлишига тўғри келади.

Бу ерда озодлик (эркинлик) янгича мазмун касб этади. Биз бу ерда ана шу тушунчалар ҳақида ба-тафсил тўхталишимиз, унга аниқлик киритишимиз, бу тушунчаларни индивидуал ва ижтимоий ривожланиш билан узвий алоқадорликда кўриб чиқишимиз зарур.

Боланинг она бачадонидан нисбатан тез ажрабиб, киндигидан узилиши ва ўз ҳаётини бошланишни унинг онадан мустақил ҳаёт бошлаганини англатади.

Бироқ функционал маънода бола она танасининг бир қисми бўлиб қолишида давом этади. Бола аста-секин онаси ва бошқа обьектлар ундан алоҳида бўлган қандайдир нарса эканини англай бошлади.

Ана шу жараён омилларидан бири боланинг психик ва жисмоний ривожланиши, унинг обьектларни ҳам жисмоний, ҳам ақлан англаш ва улардан фойдалана олиш қобилиятидир. Бола тева-рак-атрофни ўз фаолияти воситасида эгаллади.

Тарбия туфайли боланинг индивидуаллашув жараёни тезлашади. Айни вақтда қатор фрустрация,¹⁶ ман этиш (тақиқлаш) вужудга келади, она-нинг роли ўзгаради, баъзан она душманга, хавфли кучга айланади.¹⁷ Ана шу антогонизм тарбия жараёнининг муқаррар таркибий қисми бўлиб, боланинг «мен» ва «сен» ўртасидаги тафовутни англаниши кучайтирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Чақалоқнинг бошқа одамларни бегона сифатида англаши учун бир неча ойлар ўтади ва бола бошқаларнинг табассумига табассум билан жавоб қилиш қобилиятига эга бўлади. Лекин у бир йилдан сўнг ўзи билан оламни чалкаштиришдан тўх-

¹⁶ Фрустрация – лотинча «frustratio» сўзидан олинган бўлиб, муаммони ҳал қилиш ёки мақсадга эришиш йўлидаги фаолиятни издан чиқарувчи руҳий ҳолат. У кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, обьектив равишда енгиб бўймайдиган ёки субъектив равишда шундай туйиладиган қиинчилклар туфайли пайдо бўлади.

¹⁷ Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, инстинктлар фрустрацияси ўз ҳолича душманликни келтириб чиқармайди, балки болада кучсизлик ва душманлик ҳиссини келтириб чиқариши, бу ундаги ана шу ҳиснинг бостирилишидир.

тайди.¹⁸ Бунга қадар болаларга хос эгоцентризмни намоён этади.¹⁹

Бола эгоцентризми бошқа одамларга бўлган қизиқиши ва меҳрни истисно етмайди, бироқ «бошқалар» ҳали унда чиндан ҳам бошқа одамлар сифатида англанмайди. Шу боисдан ҳам илк болалик ва ундан кейинги даврлардаги ҳокимиятга бўлган муносабат ўз мазмунига кўра бутунлай фарқланади.

Ота-оналар ёки ҳокимиятни ўзида мужассам этган бошқа кишилар ҳали мутлақо бошқа кишилар сифатида англанмайди: улар бола учун болага тегишли оламнинг бир қисми, бу олам эса ҳануз боланинг бир қисми сифатида намоён бўлади. Шу боисдан ҳам ота-онага бўйсуниш бола улфайиб, алоҳида шахс сифатида шаклланган даврдаги бўйсунишга асло ўхшамайди.

Р. Хьюз «Ямайкада кучли шамол»²⁰ романида ўн ёшли қизнинг кутилмаганда ўз индивидуаллигини англашини жуда гўзал тавсифлаган. «Бу ерда Эмили ҳаётида жуда муҳим воқеа рўй берди: у бирданига ўзининг аёл эканлигини англади. Бироқ у нима учун бу воқеа бундан беш йил илгари ёки яна беш йилдан кейин рўй бермаганлиги сабабини айтиб беролмайди. У ҳозиргина кеманинг шундоқ бурнидаги уйда чиғир орқасидаги хилват бурчакда ўйнаётган эди. Бироз ўтиб ўйнашдан зерикди

¹⁸ Jean Piaget. The Moral Judgment of the Child. Harcourt, Brace Co., New York, 1932, p.407, шунингдек, Салливен (кўрсатилган адабиёт. С.10)

¹⁹ Эгоцентризм – лотин тилидан олинган бўлиб, шахснинг ўз қизиқиши доирасига боғланиб қолиши, бошқа одамлар ва нарсаларга нисбатан ўзининг дастлабки билишига оид қараши ёки фикрини ўзгартира олмаслиги, ҳатто ўз тажрибасига қарама-қарши ахборотларга мослаша олмаслигидан иборат хислат.

²⁰ R. Hugh. High Wind in Jamaica.

ва ем-хашак қўйилган уйга юрди. Йўл-йўлакай асалари эртаклардаги маликалар ҳақида ўйлади ва бирданига миясига ярқ этиб, ўзининг аёл эканлиги тўғрисидаги фикр келди.

Эмили турган жойида тўхтади ва ўзининг кўриши мумкин бўлган бутун вужудини кузатди. Ҳамма нарсани ҳам кўриш имкони бўлмади – қўллари билан кўйлагини кўтартгандан сўнг ўзининг кичкина танаси ҳақида тасаввурга эга бўлди ва шундан сўнг бирданига бу унинг танаси эканлигини англади. **У кулди, ҳатто, афсуски, таҳқиromуз кулиб юборди. Ўйлади:** «Ана холос! Барча одамлар шу ҳолатда эканлар-да! Энди эса ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайсан. Ҳар ҳолда жуда узоқ муддат бўлмаса-да, ўсиб-улгайиш, бутун ҳаётни яшаб ўтиш, кексайиш керак – фақат ўшандагина бу тентакона ҳолатдан қутулиш мумкин!» (Ушбу парчада индивидуалликни ва унинг ортида турган тушунарсиз ёлғизликни ҳис этиш ва ундан холос бўлиш истаги тасвиrlанган).

Бу воқеа жуда муҳим эди: у бирон нарса халақит бермаслиги учун кеманинг энг юқори қисмидаги севимли майдонига чиқди. Юқорига кўтарилиш унча қийин бўлмади, у қўли ёки оёғи билан олға томон ҳаракатланар экан, оёқ ва қўллари унга итоат қилаётганидан ҳайратланди. Хотираси ҳар доим шундай бўлиб келганлигини, бироқ у бунга эътибор қилмаганлигини эслади.

У кенг майдонга ўтирганидан сўнг қўллари терисини диққат билан ўргана бошлади: ахир бу унинг ўз териси эди. Сўнг елкасидан кўйлагини туширди. Ўзига қўлтиқлари орасидан қаради, кийим остида улар ҳам борлигига ишонч ҳосил қилди, шундан сўнг елкаси билан юзларини силади.

Иссиқ елкаси юзларига текканида, уни яқин бир кишиси эркалагандек бўлди. Бироқ бу ҳис қаёқдан келди – юзи елкаларини эркаладими ёки елкалар юзларини эркаладими – у буни тушуна олмади.

Уни узил-кесил ҳайратга соглан факт шу эдикӣ, бу Эмили Бас – Торнтон эди. У энди бундан кейин нима бўлиши ҳақида ўйлай бошлади».

Бола улгайиб, бирламчи алоқаларни узиб боргани сайин унда озодлик ва мустақилликка бўлган интилиш ортиб боради. Биз ўсиб борувчи индивидуаллашув жараёнининг диалектик характерга эга эканлигини эътиборга олсаккина, бу интилиш оқибатида нималар рўй беришини билишимиз мумкин.

Бу жараённинг икки жиҳати (аспекти) мавжуд. Аввало, бола ҳам жисмонан, ҳам эмоционал, ҳам интеллектуал жиҳатдан кучли бўлиб боради, ана шу соҳаларнинг ҳар бирида унинг фаоллиги ортади. Айни вақтда бу соҳалар бир-бири билан уйғунлашади; индивиднинг иродаси ва ақли билан бошқариладиган муайян тузилма ривожланади. Агар биз бу тузилмани – **индивидуалликнинг характер белгилари, интилишлари, ақли ва иродасининг мажмусини** – шахс деб айтсак, ўсиб борувчи индивидуалликнинг биринчи аспекти шахснинг ривожланиши эканлигига амин бўламиз. Индивидуаллашувнинг ўсиши ва шахснинг ривожланиш чегаралари маълум маънода индивидуал шарт-шароитлар, асосан, ижтимоий шарт-шароит билан белгиланади.

Жамиятдаги индивидлар ўртасидаги тафовут жуда каттадир, бироқ ҳар бир жамиятда индивидуаллашишнинг муайян чегаралари мавжуд бўлиб, нормал индивид ундан ташқари чиқа олмайди.

Индивидуаллашув жараённининг иккинчи аспекти – индивид яккаланишининг ўсиб боришидир.

Бирламчи алоқалар индивидга ташқи олам билан узвий бирликда бўлиш ва хавфсизликни ҳис этиш имконини беради. Бола ана шу оламдан ажралиб чиққани сайин ўзининг ёлғизлигини, бошқалардан алоҳида эканлигини англай бошлайди. Ана шу оламдан ажралиб чиқиши, агар у индивидуал ҳаёт билан қиёсланадиган бўлса, жуда кучли ва баъзан хавфли, ҳаёт учун хатарли бўлиб туюлади, болада ҳимоясизлик, ташвиш ҳиссини кучайтиради.

Инсон оламнинг ажралмас қисми бўлган, индивидуал хатти-ҳаракатларининг оқибатларини ҳали англамаган вақтда у бундан қўрқмас эди. Бироқ индивидга айланиши биланоқ у ана шу қудратли олам билан юзма-юз бўлиб қолади. Ўз индивидуал-лигидан воз кечиш, ёлғизлик ва ҳимоясизлик ҳиссидан қутулиш, бунинг учун эса ташқи олам билан қўшилишга мойиллик пайдо бўлади.

Бола жисмонан она бачадонига қайтиб кира олмаган сингари индивидуаллашувнинг психик жараёнларини ҳам тўхтатиб, орқага қайтариб бўлмайди. Бу жараённи орқага қайтаришга бўлган уринишлар муқаррар равишда бўйсуниш, итоаткорлик характеристига эга бўлади, аммо ҳокимият ва бола ўртасидаги зиддият йўқолмайди. Бола онгли равишда мавжуд вазиятдан қониқиши ҳосил қилиши мумкин, лекин онгсиз равишда хавфсизлик йўлида ўз шахсини курбон қилаётганини ҳис этади.

Бўйсуниш охир-оқибатда акс натижаларга олиб келади: боланинг ўзига бўлган ишончсизлиги ортади, айни вақтда унда душманлик ва исёнкорлик ҳисси ўсиб боради; агар бу адсоват у қарам бўлган одамларга қарши қаратилса, фоят хавфлидир.

Бироқ бўйсуниш – ёлғизлик ва ташвишлардан халос бўлишнинг ягона усули эмас. Бошқа йўл – ихтилофларга олиб бормайдиган ва энг самара-

ли йўл – одамлар ва табиат билан спонтан (ички, чекланмаган ва табиий) алоқа ўрнатиш, яъни уни ташки олам билан боғлаш жараёнида унинг индивидуаллигини йўқ қилмайдиган йўлдир.

Олий даражада намоён бўладиган муҳаббат ва ижодий меҳнат сингари алоқалар шахснинг тўлақонли куч-қудратида мужассамлашган бўлиб, шахснинг ривожланишини чекламайди, балки унинг максимал даражада ривожланиши учун қулай имконият яратади.

Шундай қилиб, индивидуалликнинг ўсиб бориши ё бўйсуниш (итоаткорлик)га, ёки спонтан фаолликка олиб келади. Биз қўйида бу муаммони анча батафсил муҳокама қиласиз. Мен бу ерда қўйидаги умумий принципни кўрсатмоқчиман: индивидуаллашишнинг ривожи ва индивид озодлигининг ўсиши асосидаги жараён диалектик характерга эга. Болани илгари чеклаган, уни сиқиб қўйган алоқаларсиз бола ўзини анча эркин ҳис этади, ўз моҳиятини намоён этиш ва ривожлантириш имконига эга бўлади. Бироқ айни вақтда бола ўзига хавфсизлик ва тинчлик берган оламдан ҳам ажralади.

Индивидуаллашув жараёни – бу бола шахсининг кучайиши ва ривожланиши, ўз «мен»ининг ривожланиши жараёнидир. Аммо ана шу жараёнда индивид бошқаларга ўхшамай қолади, у бошқалардан ажralади. Ажralишнинг тобора ўсиб бориши ўзини йўқотишга, ишончсизлик ва ташвишнинг ортиб боришига олиб келиши мумкин; яккаланиш принципиал жиҳатдан янги яқинликка олиб келмайди; агар бола ўз ички куч ва ижодий фаоллигини ривожлантира олмаса (булар янги типдаги алоқа ўрнатишнинг зарур шарти), бошқа одамлар билан бирдамлик алоқаларини ўрната олмайди.

Агар индивиднинг бошқалардан яккаланиши ва индивидуаллашувининг ҳар бир қадами шахснинг ўсишига мос равишда рўй берса, боланинг ўсиши гармоник тарзда рўй берган бўларди. Бироқ бундай бўлмайди. Индивидуаллашув жараёни автоматик равишда рўй беради, шахснинг ривожланишига эса қатор психологик ва ижтимоий омиллар халақит беради. Бундай тенденциялар ўртасидаги тафовутнинг ортиб бориши тоқат қилиб бўлмайдиган ёлғизлик ва ожизлик ҳиссининг кучайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, биз қуида тавсифлайдиган халос бўлиш, қочиш механизмлари сифатидаги психик механизмларнинг ишга тушишига олиб келади.

Инсоният тарихига филогенетик²¹ миқёсда индивидуаллашувнинг ўсиши ва ўсиб борувчи озодлик жараёни сифатида қараш мумкин. Мажбурий инстинктлардан халос бўлишга қаратилган биринчи қадамлар инсонни ҳайвоний ҳолатдан озод қилди.²² Биз инстинклар деганда, ирсий асаб тизими томонидан шартланган ўзига хос фаолият шаблон (андаза)ларини тушунамиз (инстинктларни соф ҳолда фақат ҳайвонот оламидагина кўриш мумкин).

Ҳайвоннинг ривожланиш даражаси қанча паст бўлса, унинг табиатга мослашиш даражаси шунча юқори бўлади ва бутун фаолияти инстинктив механизмлар ва рефлектор ҳаракатлар томонидан белгиланади.

²¹ Филогенез – бутун органик дунёнинг ёхуд унинг айрим гурӯҳларининг ривожланиши жараёни.

²² Инстинктнинг бу концепциясини физиологик шартланган очлик, ташналик ва ҳоказо эҳтиёжлар сифатида белгиланадиган инстинктлар билан алмаштириш ярамайди; уларнинг қондириш усуллари қайд этилмаган ва ирсият томонидан олдиндан белгиланмаган.

Айрим ҳашаротлар ҳаётининг фоят мураккаб тузилиши фақат инстинктларга асосланган. Бироқ ҳайвонларнинг ривожланиш даражаси қанча юқори бўлса, уларнинг хулқ-автори шунчалик ўзгарувчан (ҳаракатчан) бўлади. Айни вақтда унинг дунёга келиши вақтидаги түфма адаптациянинг қамрови шунча оз бўлади.

Ана шу тенденция инсонда энг юқори босқичга кўтарилади. У түғилган вақтида барча жонзорлар ичида энг ношудидир. Унинг табиатга мослашиши олдиндан белгиланган инстинктга эмас, балки ўргатиш (таълим) жараёнига асосланган. «Инстинкт» ҳайвонлардаги, айниқса, инсондаги йўқолиб борувчи бўлмаса-да, кучсизланган категориядир.²³

Инсоний ҳаёт түфма механизмлар томонидан шартланмаган фаолият ривожланишининг мурдайян даражасига эришган вақтда бошланади: табиатга мослашиш ўзининг мажбур қилувчи характеристерини йўқотади, унинг амал қилиш усуслари ирсият, инстинктлар томонидан белгиланмайди. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳаёти ва озодлик бошиданоқ бир-биридан ажралмасдир.

Бу ерда гап позитив мазмундаги «ниманингдир озодлиги» ҳақида эмас, балки негатив мазмундаги «нимадандир озод бўлиш», иш-ҳаракатнинг олдиндан инстинкттив белгиланишидан озод бўлиш ҳақида кетяпти.

Бундай озодлик инсон учун фоят тушунарсиз тухфадир. Инсон зарур иш-ҳаракатларга түфма бўлмаган қобилият билан түғилади; ҳайвонларда эса түфма қобилият мавжуд;²⁴ инсон ҳайвон-

²³ L. Bernard. Instinct. Hro Co., Nev York, 1924, p. 509.

²⁴ Ralph Linton. The Study of Van. D. Appleton-Century Company, New York, 1936, Chapter IV.

ларга нисбатан ота-онасига узоқроқ муддатда қарам бўлади; автоматик тарзда бажариладиган инстинкттив ҳаракатларга қараганда, инсоннинг атроф-муҳитга реакцияси тез ҳам, самарали ҳам эмас. У турли хавф-хатар ва қўрқувни ўз бошидан кечиришга маҳкумдир. Буларнинг ҳаммаси ундаги түфма инстинктларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Бироқ айни шу ночорлик инсоннинг ривожланиши ва ўсиши учун замин бўлди, яъни инсоннинг биологик номукаммаллиги цивилизациянинг пайдо бўлишига олиб келди.

Инсон ҳаётининг илк ибтидосидаёқ турли фаолият усулларидан бирини танлаш билан тўқнаш келди. Ҳайвонларда узлуксиз рефлектор реакция занжири мавжуд бўлиб, улар, масалан, очлик стимулидан бошланади. Бу эса очликдан озод бўлишга имкон берувчи озми-кўпми қатъий белгиланган хулқ-атворга олиб келади. Инсонда эса ана шу занжир узилган. Стимуллар мавжуд, бироқ уларни қондириш усуллари «очик», яъни инсон турли ҳаракатлардан бирини танлаши керак, шу сабабдан ҳам у ўйлай бошлади. Унинг табиатга бўлган роли ўзгаради; оддиндан белгиланган инстинкттив асосда ҳаракат қилиш ўрнига ўз онгига турли ҳаракат усулларини баҳолай бошлайди; у пассив мослашишдан актив фаолиятга ўтади, яъни меҳнат қила бошлайди.

Инсон меҳнат қуролларини кашф этади ва бу билан табиатни эгаллайди, ундан тобора қўпроқ ажрала бошлайди. У аста-секин ўзи мансуб бўлган гурӯҳ теварак-атрофдаги табиат эмаслигини фира-шира англай бошлайди. Ўз тақдирининг фожиали эканлигини англайди: табиатнинг бир қисми бўлсанг-у, унга қўшила олмаслик, фожиа

эмасми?! Уни охир-оқибатда ўлим кутишини англайди. Ўлимни инкор этишга қанча уринмасин, бу ҳақиқатдан қочиб қутула олмаслигини тушунади.

Инсон ва озодлик ўртасидаги фундаментал алоқадорлик жаннатдан қувилиш тўғрисидаги Библия афсонасида яхши ифодаланган. Афсона инсоният тарихининг бошланишини танлаш акти билан айниятлаштиради, бироқ бу ерда озодликнинг биринчи акти гуноҳ эканлиги, изтироб ва уқубатлар унинг оқибати эканлиги алоҳида таъкидланади.

Эркак ва аёл Эдем боғида бир-бири ва табиат билан тўла уйғунликда яшайдилар. У ер тинч ва осойишта бўлиб, меҳнат қилишга зарурият йўқ: танлаш ҳам, эркинлик ҳам, ҳатто фикрлашга ҳам зарурият йўқ. Инсонга қадимдан эзгулик ва ёвузликни билиш тақиқланган. У ана шу қоидани бузди ва ўзини табиат билан гармониядан маҳрум этди. Ҳолбуки, у табиатнинг бир қисми бўлиб, унинг чегарасидан ташқарига чиқмаган эди.

Черков нуқтаи назаридан бу хатти-ҳаракат, шубҳасиз, гуноҳдир. Бироқ бу инсон нуқтаи назаридан инсон озодлигининг бошланишидир. Инсон Худо томонидан белгиланган тартибни бузиб, озод бўлди, инсонгача бўлган онгсиз ҳаётдан инсоний ҳаёт сари юксалди.

Тақиқларни бузиш, гуноҳга йўл қўйиш позитив инсоний маънода биринчи танлаш акти, озодлик акти, яъни, умуман, биринчи инсоний акт эди.

Афсонага кўра, инсон билиш дарахтининг мевасини татиб кўриб, гуноҳ ишга қўл урди. Шу тариқа бўйсунмаслик акти, озодлик акти тўғридан-тўғри инсон тафаккурининг бошланиши билан боғланди.

Мифда ана шу озодлик актининг бошқа оқибатлари ҳақида ҳам сўз боради. Инсон ва табиат ўр-

тасидаги дастлабки гармония бузилади. Худо эркак билан аёл, инсон билан табиат ўртасида уруш бошланганини эълон қиласди.

Инсон «индивид» бўлиб табиатдан ажралиб чиқди, у инсон бўлиш учун биринчи қадамини қўйди; биринчи озодлик актини амалга оширди ва миф ана шу акт натижасида вужудга келган изтиробларни алоҳида таъкидлади.

Табиат ва бошқа инсонга нисбатан бегоналик ҳис этган инсон ўзини ялангоч ҳолда кўрди ва уялишни ҳис этди. У ёлғиз ва озод, бироқ ночор ва кўркқоқ.

Хозиргина қўлга киритилган озодлик қарғишга (лаънатта) айланади: инсон жаннат лаззатларидан маҳрум бўлди, бироқ ўз-ўзини бошқариш эркига эга эмас, ўз шахсиятини англаб ета олмайди; «бирон нарсадан озод бўлиб, ажралиб чиқиши» позитив озодлик (бирон ҳаракатни амалга оширишга бўлган эркинлик)ка teng эмас.

Инсоннинг табиатга қарамлиқдан озод бўлиши бу узоқ жараён, яъни инсон маълум даражада ўзи келиб чиқсан оламга боғланган. Шунинг учун у табиатнинг бир қисми бўлиб қолаверади. У ер, қуёш, ой, юлдузлар, дарахтлар, гуллар, ҳайвонлар билан узвий боғланган.

Ибтидоий динлар инсоннинг табиат билан уйғунлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Унда жонли ва ҳатто жонсиз табиат инсон оламининг бир қисми сифатида намоён бўлади. Инсоннинг ўзи табиат оламининг бир қисми бўлишда давом этади. Бирламчи алоқалар инсоннинг ривожланиши йўлидаги тўсиққа айланади. Улар инсон ақли ва танқидий фикрлаш қобилияти йўлидаги ғовга айланади; унга мустақил фикрловчи мавжудот сифатида

эмас, балки ўзи ва бошқаларни қабила аъзолари, ижтимоий ёки диний жамоанинг аъзолари сифатида англашига имкон беради.

Бошқача қилиб айтганда, бирламчи алоқалар инсоннинг эркин ижодий фикрловчи, ўз ҳаётини мустақил белгиловчи шахс сифатида ривожланишига халақит беради. Бироқ бу масаланинг фақат бир томони. Табиат, қабила, дин билан бирга бўлиш индивидга ишонч ҳиссини беради. У қандайдир яхлит структурага мансуб бўлиб, унинг бир қисмига айланади ва унда, шубҳасиз, муайян ўрин эгаллади. У очлик ва зулмдан азоб чекиши мумкин, бироқ у энг ёмони – тўла ёлғизлик ва шубҳаланишдан азоб чекмайди.

Кўриб турганимиздек, инсон озодлигининг ривожланиш жараёни индивидуал ўсиш жараёнида бўлганидек, диалектик характерга эга. Бу бир томондан, инсоннинг ривожланиши, табиатни эгаллаши, ақлининг ўсиши, инсоний бирдамликнинг мустаҳкамланиш жараёни, иккинчи томондан, индивидуаллашувнинг кучайиши, ёлғизланиш, ишончсизлик кучайишини ҳам англатади.

Бинобарин, инсоннинг оламдаги ўрни ва ҳаётининг маъноси тобора шубҳали бўлиб қолади. Шу билан бирга, ожизлик ва алоҳида инсоннинг ҳеч нима эмаслигини ҳис этиш ўсиб боради.

Агарда инсониятнинг ривожланиш жараёни гармоник ҳамда муайян режага қўра амалга ошганида эди, ривожланишнинг ҳар икки томони – ўсиб борувчи куч-қудрат ва ўсиб борувчи индивидуаллашув – мувозанатга келган бўларди. Аслида, инсоният тарихи ихтилоф ва жанжаллардан иборат.

Индивидуаллашув йўлидаги ҳар бир қадам одамларга янги хавф-хатар таҳдидини солди. Узилган

бирламчи алоқаларни тиклаб бўлмайди, инсон қўлдан бой берган жаннатга қайта олмайди.

Индивидуаллашган инсоннинг олам билан алоқа ўрнатиши учун фақат битта самарали йўл бор: бу – бошқа одамлар билан фаол бирдам бўлиш, спонтан фаолият (муҳаббат ва меҳнат).

Спонтан фаолиятгина инсонни бирламчи алоқалар билан эмас, балки озод ва мустақил инсонни олам билан яна боғлайди. Бироқ инсоннинг индивидуаллашув жараёни тўла боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий шарт-шароитлар шахснинг позитив рўёбга чиқиши учун асос бўлмаса, айни вақтда одамлар ўзларига ишонч бағишилаган бирламчи алоқаларни узган бўлса, бундай узилиш озодликни чидаб бўлмайдиган уқубатга айлантиради: шубҳа-гумонлар манбаига айланади, ҳаётни маъно ва мақсаддан маҳрум этади.

Ана шундагина бундай озодликдан халос бўлишга қаратилган кучли тенденция вужудга келади: таслим бўлиш учун бош эгиб бориш ёки ишонч-сизликдан халос бўлиш ва ҳатто озодликни қурбон қилиш ҳисобига одамлар ва олам билан боғланишнинг қандайдир усулини топишга бўлган кучли тенденция вужудга келади.

Ўрта аср ўрталарида Европа ва Америка тарихи бу индивиднинг тўла яккаланиши тарихидир. Бу жараён Италияда Уйғониш даврида бошланди ва фақат бугунги кундагина ўзининг энг юқори нуқтасига эришди. Ўрта аср оламини бузиш ва одамларни яққол кўзга ташланиб турган чеклашлардан озод қилиш учун тўрт юз йил керак бўлди.

Кўп жиҳатдан индивид ўсди, ақдий ва эмоционал ривожланди, маданий ютуқларга эришишдаги иштироки ҳаддан ташқари кенг миқёсга эга бўл-

ди. Бироқ шу билан бир қаторда бирламчи алоқалардан озод бўлишга интилиш ва озодликни позитив рўёбга чиқариш (бирламчи алоқалардан халос бўлгач, эркинликни муйян фаолиятга йўналтириш) нинг чекланган имконияти ўртасидаги номутаносиблик Европада озодликдан қочишга ёки ҳеч бўлмагандан, тўла лоқайдлик позициясига ўтишга олиб келди.

Биз озодликнинг ҳозирги инсон учун аҳамиятини тадқиқ этишни ўрта асрларда ва Янги замон бошларида Европада мавжуд бўлган вазиятни таҳдил қилишдан бошлаймиз. Бу даврда Фарб жамиятининг иқтисодий асоси радикал ўзгаришларни бошдан кечирди, бу эса инсон психикасида радикал ўзгаришларни вужудга келтирди. Ана шундагина озодликнинг янги концепцияси вужудга келди ва Реформациянинг янги диний доктриналарида ўзининг ёрқин мафкуравий ифодасини топди.

Ҳозирги замон маданиятининг туб асослари шаклланган ана шу даврни кўриб чиқмасдан туриб, бугунги жамиятдаги озодликнинг моҳиятини тушуниб бўлмайди. Айнан ўша вақтда – ҳозирги инсоннинг шаклланиши ибтидосида – янги замонда биз кўриб турган озодликнинг ўзига хослиги кейинги даврдагига қараганда равшанроқ намоён бўлди: бир томондан, инсоннинг ташқи ҳокимиятдан мустақил бўлишга интилишининг ўсиб бориши, иккинчи томондан, унинг ўсиб борувчи ёлғизлиги, бунинг натижасида эса ҳеч нарсага арзимаслиги ва ожизлигини англаш.

Агар биз унинг вужудга келишини кузатсак, ҳозирги инсон характеридаги янги элементларни яхши тушунишимиз мумкин.

Капитализм ва индивидуализм пайдо бўлишинг илк манбалари ва муҳим хусусиятларини ўрганар эканмиз, уларни иқтисодий тизим ва ҳозиргидан тубдан фарқланадиган шахснинг характер типи билан таққослай оламиз. Айни шу контраст ҳозирги ижтимоий тизимнинг характерли белгилари ва унинг шу тизимда яшайтган одамлар характеристига таъсирини яхшироқ ёритиш имконини беради. Бу ерда эса ана шу ўзгаришлар натижасида инсон психикасида вужудга келган янги руҳнинг муҳим хусусиятларини кўриш мумкин.

Кейинги бобда Реформация даври шарт-шароитлари ҳозирги шарт-шароитларга анча яқин бўлганлигини кўриш мумкин. Икки давр ўртасида тафовут аниқ бўлишига қарамасдан – озодликнинг иккиёқлама маъноси нуқтаи назаридан – Реформация даври сингари ҳозирги замонга ўхшаш бошқа давр бўлмади.

Реформация озодлик ва инсон мустақиллиги фояларининг манбаларидан бири бўлиб, бу фоя шу кўринишда ҳозирги замон демократияси томонидан тавсифланяпти. Реформациянинг ана шу жиҳати, айниқса, нокатолик мамлакатларда ҳар доим таъкидланади.

Бироқ бу ерда Реформациянинг бошқа аспекти унутилади: у инсон табиатининг яроқсизлиги, индивиднинг ҳечлиги ва ожизлиги (нотавонлиги), индивиднинг ташқи кучларга бўйсуниши зарурлигини таъкидлаши унутилади.

Алоҳида шахснинг ҳечлиги, унинг ўзига ишона олмаслиги, бошқаларга бўйсунишига эҳтиёж сезиши Гитлер идеологиясининг бош фояси эди. Бироқ ундан протестантлар учун характерли бўлган озодлик тушунчаси ва ахлоқий принципларни топиб бўлмас эди.

Бундай идеологик сафсаталар ягона эмас. Бу эса ҳозирги манзарани тушуниш учун XV–XVII асрларни ўрганиш фойдали эканлигини кўрсатади. Ижтимоий муҳитнинг фундаментал ўхшашлиги ҳам яқъол кўзга ташланади.

Мен ана шу ўхшашлик идеологик ва психологик ўхшашликка боғлиқ эканлигини кўрсатишга ҳаракат қиласман. Ўша вақтларда, худди ҳозирдагидек, кўпчиликнинг анъанавий ҳаётий негизлари иқтисадий ва ижтимоий режадаги инқилобий ўзгаришлар хавфи остида бўлган; ўрта синф (худди ҳозир бўлганидек) йирик капитал ва монополиянинг бостирувчи қудрати олдида кучли қўрқувни ҳис этган ва ушбу қўрқув инсонлан руҳияти ва идеологиясига кучли таъсир кўрсатган, улардаги ёлғизлик ва ожизлик ҳиссини баттар кучайтирган.

З-БОБ. РЕФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ОЗОДЛИК

1. Ўрта аср тарихи ва Ўйғониш

Ўрта асрлар манзараси икки марта бузиб талқин қилинди («капиталистик жамият»дан фарқли рашишда «Ўрта аср жамияти» ва «ўрта аср руҳи» ҳақида гапирав эканмиз, биз идеал типларни назарда тутамиз. Аслида, кейинги янги замон бошланиши учун Ўрта аср бирдан тўхтаган вақт (лаҳза) бўлмаган. Ҳозирги жамият учун характерли бўлган барча иқтисодий ва ижтимоий кучлар XII, XIII, XIV асрлардаги ўрта аср бағрида туғилди (дунёга келди).

Сўнгги Ўрта асрда капиталнинг роли муттасил равишда ўсди ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида антагонизм²⁵ кучайди. Тарихда ҳар доим бўлганидек, янги ижтимоий тизимнинг барча элементлари эски тизим ичидаги ривожланди. Албатта, ҳозирги жамиятнинг элементлари сўнгги ўрта асрда қанчалик ёйилганлиги ва ўрта асрлар учун типик бўлган элементларнинг қанчаси ҳозирги жамиятда сақланиб қолганлитини билиш муҳимdir.

Бироқ Ўрта аср ва ҳозирги жамиятга хос умумий элементларни кўриб чиқиш қанчалик муҳим бўлмасин, ушбу нуқтаи назар ўша давр билан ҳозирги жамият ўртасидаги фундаментал тафовутларни қисқартиришгагина ургу беради. Натижада «ўрта аср жамияти» ва «капиталистик жамият» концепцияларидан ноилмий концепция сифатида воз кечишимизга ёки ўзимизни тарихий жараённи назарий идрок этиш имконидан маҳрум этишимизга тўғри келади.

²⁵ Антагонизм – келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, зиддият.

Бундай уринишлар қанчалик илмий объектив ва ишончли бўлиб туюлмасин, ижтимоий тадқиқотни сон-саноқсиз тафсилотлар йиғищдан иборат қилиб қўяди, жамиятнинг тузилишини ҳам, унинг ривожланиш динамикасини ҳам тушунишга имкон бермайди.

Ҳозирги замон рационализми ўрта асрларни тарихнинг зулматли даври деб ҳисоблайди. Шахсий эркинликнинг йўқдиги, озчилик томонидан халқ оммасининг эксплуатация қилиниши, қарашларининг торлиги (қўшни қишлоқдаги дехқон – хорижликни қўйинг, шаҳарликнинг кўзига шубҳали, хавфли ва бегона бўлиб кўринган), шунингдек, умумий жоҳиллик (илмсизлик) ва бидъатларнинг ҳукмронлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда ўрта аср идеаллаштирилди. Буни, одатда, реакцион файласуфлар, баъзида эса ҳозирги капитализмнинг прогрессив танқидчилари амалга оширдилар. Улар бирдамлик ҳиссини, иқтисодиётнинг инсон талабларига бўйсундирилганини, инсоний ўзаро муносабатларнинг тўғрилиги ва аниқдигини, католик черковларининг юксак характерга эга бўлганлигини, ўрта аср кишиси учун хос бўлган ишонч ҳиссини кўрсатдилар. Ҳар икки манзара тўғри, бироқ уларнинг биридан атайин кўз юмган ҳолда манзара чизилар экан, уларнинг иккаласи ҳам хато бўлиб қолади.

Ўрта асрлар ҳозиргидан фарқли равища шахс эркинлигининг йўқдиги билан характерланади. Илк ўрта асрларда ҳар бир одам ижтимоий тартибдаги ўз ролига маҳкам бириктирилган эди. Инсон ўз ижтимоий аҳволини ўзгартириш, бир синфдан бошқа синфга ўтиш, шаҳардан шаҳарга, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиш имко-

нига эга эмас эди. Айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, у туғилган жойида яшashi зарур эди. Күпинча у ўзи хоҳлагандек кийиниш, ўзи хоҳдаган таомни ейиш ҳуқуқига ҳам эга эмас эди.

Хунарманд ўз товарини муайян баҳога сотишга, дәхқон эса муайян жойда, бозорда ўз маҳсулотини сотишга мажбур эди. Цех ишчиси цехдан ташқаридаги бирон-бир одамга цехнинг техник сирларини айтиш ҳуқуқига эга эмас эди.

Шахсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт қоида ва мажбуриятлар билан тартибга солинар ва улар ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларига ёйилар эди.

Гарчи инсон ҳозирги маънода озод бўлмаса ҳам, у ёлғиз ва бошқалардан ажралган эмас эди. Туғилишиданоқ ижтимоий оламда муайян ўзгармас ўрин эгаллаган инсон қандайдир структурлашган уюшмага бириктирилган эди: аввал бошданоқ унинг ҳаёти мазмунга тўла эди, бундай мазмунли ҳаёт шубҳа ва гумонлар учун ўрин қолдирмасди. Шахс унинг жамиятдаги роли билан айниyllаштирилди: у дәхқон, хунарманд ёки рицар эди, аммо хоҳишига кўра у ёки бу иш билан шуғуллана оладиган индивид эмас эди.

Ижтимоий тузумга табиий тартиб сифатида қараларди, ана шу тартибининг муайян қисми бўлган инсон ўзига ишончни, унга мансубликни ҳис этган. Рақобат унча катта бўлмаган. Инсон туғилиши билан муайян иқтисодий ҳолатга мансуб бўлган. Бу эса унга анъанавий ҳаёт даражасини кафолатлаган. Айни вақтда у индивидга ижтимоий иерархияда юқори турувчилар олдидаги иқтисодий мажбуриятларни ҳам юклаган.

Бироқ индивид ўз ижтимоий сфераси доирасида меҳнатда ва эмоционал ҳаётда ўз шахсини

етарли даражада эркин ифодалаш эркинлигига эга бўлган. Гарчи у даврда ҳаёт йўлларини истаганча танлаш (бу эркинлик маълум даражада мавҳум) маъносидаги индивидуализм мавжуд бўлмаса-да, реал ҳаётда конкрет индивидуализмнинг жуда кўп кўринишлари бўлган.

Изтироблар, оғриқлар жуда кўп эди, бироқ черков ҳам бор эди, у қандайдир даражада бу изтиробларни енгиллаштирган ва буни Одам Атонинг гуноҳлари, ҳар бир изтироб чекувчининг гуноҳлари учун жазо деб изоҳлаган. Черков индивидга айбдорлик ҳиссини сингдирган, бироқ айни вақтда ўзининг чексиз муҳаббатини изҳор этган, ўз фарзандларига Худо уларни севиши ва гуноҳларини кечиришига ишониш имконини ҳам берган.

Худога бўлган муносабатда шубҳа ва қўрқувга нисбатан кўпроқ ишонч ва муҳаббат бўлган. Деҳқон ҳам, шаҳарлик ҳам ўз ҳаёти кечган кичик географик макондан ташқарига жуда кам ҳолда чиққанлар, чунки олам чекланган ва тушунарли эди. Ер ва инсон ана шу олам марказида эди; ҳар бир одам бўлгуси ҳаётидан ё жаннатни, ё дўзахни кутган; инсоннинг туғилишидан то ўлишигача бўлган бутун ҳаёти давомидаги хулқ-автори ўша даврдаги ҳукмрон қарашларга кўра ҳаракатланганлиги очик-ойдин эди.

Шундай қилиб, ўрта аср жамияти, бир томондан, структурлашган бўлиб, инсонга ўзига нисбатан ишонч ҳиссини берган, бошқа томондан эса уни кишанларда ушлаб турган.

Бироқ бу кишилар авторитаризмга ва кейинги асрлардаги зулм характерига эга бўлмаган. Ўрта аср жамияти индивидни озодликдан маҳрум этмаган, чунки ҳали «индивид»нинг ўзи мавжуд бўл-

маган. Инсон ҳануз бирламчи алоқали олам билан боғлиқ эди; у ўзини фақат ижтимоий роли призмаси орқали кўрар эди; унинг ижтимоий роли айни вақтда унинг табиий роли ҳам эди. У ўзига индивидуал шахс сифатида қарамас эди.

Худди шунингдек, бошқа ҳар қандай одамга ҳам «индивид» сифатида қаралмас эди. Шаҳарга келган дехқон бегона ҳисобланган; ҳатто шаҳар ичидаги турли ижтимоий гуруҳ вакиллари бир-бира га бегона сифатида қарап эдилар. Инсон индивидуаллигини, индивидуал шахсни англаш ҳали етарлича ривожланмаган эди.

Ўрта аср жамиятидаги индивиднинг ўзлигини англашидаги етишмовчилик Яков Буркхард томонидан ўрта аср маданиятига берилган тавсифда ўзининг классик ифодасини топди.

«Ўрта асрларда ташқи оламга ва ўз ички дунёсига нисбатан ўзликни англашнинг ҳар иккала томони гўё битта умумий кўрпа остида ухлаб ётарди. Кўрпа онгсиз эътиқод, содда қарашлар ва бидъатлардан тикилган эди. Бутун олам ва унинг тарихи ўзига хос рангдаги ана шу кўрпа орқали тасаввур этиларди. Инсон ўзини фақат ирқий белгилари ёки халқни бир-биридан фарқлайдиган белгилар, партиялар, корпорациялар, оила орқали биларди. Бошқача қилиб айтганда, шахс тушунчаси ҳар доим қандайдир умумий форма билан боғланарди». ²⁶

Сўнгги ўрта асрда жамият структураси ва шахс ўзгара бошлади. Ўрта аср жамиятининг бирлиги ва марказлашуви кучсизланди. Капиталнинг, индивидуал иқтисодий ташаббус ва рақобатнинг аҳамияти ортди, янги пулдор синф ривожланди.

²⁶ Буркхардт Я. Культура италии в эпоху Возрождения. Т. 1. СПб., 1905. С.157.

Жамиятнинг барча синфларида индивидуализм сезиларли даражада ўсди ва у инсон фаолиятининг барча соҳаларига: диди ва модага, санъат ва фалсафага, ҳатто илоҳиётга таъсир қўрсатди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бу бир томондан, бойларнинг унча катта бўлмаган гуруҳи ва капиталистга, иккинчи томондан эса дехқонлар оммаси ва шаҳар ўрта синфи учун мутлақо турлича аҳамият касб этди.

Дехқонлар оммаси учун бу янги тенденциялар қайсиdir маънода шахсий ташаббусни намоён этиш, бойлик орттириш имконини берди, бироқ яна ҳам муҳими, анъанавий ҳаёт тарзининг емирилиши таҳдидини вужудга келтирди.

Ана шу тафовутни доимо ёдда тутиш зарур, чунки янги шароитда турли синфларнинг психологияк ва идеологик реакциясининг қандай бўлиши шунга боғлиқ эди.

Италияда янги иқтисодий ва маданий ривожланиш Марказий ва Фарбий Европага қараганда анча тез рўй берди ва бу фалсафа, санъат, бутун ҳаёт тарзига қучли таъсир қўрсатди. Айнан Италияда инсон биринчи бўлиб, айни вақтда ўзига ишонч берган ва уни чеклаган феодал жамиятдан ажralиб чиқди ҳамда у билан алоқасини узди.²⁷

Буркхардтнинг сўзларига қараганда, Европа оиласида шахснинг ривожланиши масаласида биринчи туғилиш Италияга тегишли, итальян эса биринчи индивиддир.

Марказий ва Фарбий Европага қараганда Ўрта аср жамиятининг Италияда илгари рўй берганилиги факти ўзининг қатор иқтисодий ва сиёсий сабабларига эга. Булар орасида Италияning географик жойлашуви ва савдо-сотиқ соҳасидаги

²⁷ Ўша жойда. Б.5.

устунлиги (шундан келиб чиқиб, Ўрта Ер денгизи Европа учун савдо йўли эди), папа ва императорлар ўртасидаги кураш, бунинг натижасида кўплаб мустақил сиёсий бирликларнинг ташкил топиши; унинг Шарққа яқинлиги ва шу туфайли саноатни ривожлантириш учун, масалан, ипак саноатини ривожлантириш учун зарур технологик билимларга эга бўлганлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Шу ва бошқа сабабларга кўра, Италияда кучли пулдор синф шаклланди, унинг аъзолари ташаббускорлик, куч-қудрат ва шуҳратпарастлик руҳи билан тўлиб-тошган эди.

Айни пайтда феодал синфи табақаланиш ўз аҳамиятини йўқотди. XII асрдан бошлаб ва ундан кейин аристократлар ва бюргерлар биргаликда яшадилар, табақалар ўртасидаги тавофутлар йўқола бошлади, бойлик қариндош-уруғликдан муҳимроқ бўлиб қолди.

Айни вақтда омма ичидаги анъанавий ижтимоий табақаланиш ҳам емирила бошлади. Биз унинг ўрнида шаҳарларда эксплуатация қилинаётган ва сиёсий жиҳатдан эзилаётган ишчилар оммасини кўрамиз.

Буркхарднинг кўрсатишича, 1231 йилдаёқ Фридрих II нинг сиёсий чора-тадбирлари «феодал системани бутунлай йўқотишга ҳамда халқни энг юқори ҳажмда солиқ тўловчи ва ҳар қандай шахсий иродадан маҳрум, қуролсиз оммага айлантириш»га қаратилди. Ўрта аср ижтимоий структураси емирилишининг ўсиб бориши натижасида ҳозирги маънодаги индивид вужудга келди.

Буркхардт шундай деб ёзди: «Италияда биринчи бўлиб онгизз эътиқод ва иллюзиялардан тикилган кўрпа улоқтириб ташланди, биринчи бўлиб давлат ва умуман, инсон ишларига нисбатан объекти-

визм пайдо бўлди. Шу билан бир қаторда унга қарама-қарши куч сифатида субъективизм вужудга келди ва тез ривожланди.

Инсон ўзлигини англаб, ўз индивидуаллигига эга бўлди ва ўзининг ички оламини яратди. Зеро, бир замонлар юнонлар варварлар устидан, араблар эса ўзларининг ёрқин индивидуаллиги туфайли Осиёнинг бошқа қабилалари устидан юксакликка кўтарилган эдилар.²⁸

Буркхардтнинг бу тавсифи янги индивид руҳини тавсифлаш билан бирламчи алоқадан озод бўлган инсонни яққол намойиш этади, биз бу ҳақда ўтган бобда тўхталдик.

Инсон шуни билдики, ўзи ҳам, бошқалар ҳам индивид, алоҳида мавжудот. У табиат ўзидан алоҳида эканлигини икки жиҳатига кўра англаб етди: инсон биринчидан, табиат ҳам назарий, ҳам амалий эгалланиши зарур бўлган синоат эканлигини; иккинчидан эса унинг гўзаллигидан лаззатланиши мумкин бўлган обьект эканлигини кашф этди. Инсон оламни кашф этди ва уни амалда кашф этар экан: «Менинг мамлакатим (ватаним) – бутун дунё» деган сўзни айта олди.²⁹

Ўйғониш (ренессанс) бой ва кучли синфнинг маданияти эди: у янги иқтисодий кучлар бўрони туфайли кўтарилган тўлқинлар гирдобига тушиб қолганди.³⁰

²⁸ Варварлар – дастлаб қадимги юнонлар, римликлар учун ажнабий бўлган, ўзлари учун тушунарсиз тиlda гаплашадиган ва ўз маданиятларига бегона бўлган одамлар, кейинчалик эса маданиятнинг қўйи погонасида турувчи ҳар қандай шахсга нисбатан ишлатиладиган атама.

²⁹ Ўша жойда. Б.129.

³⁰ Ренессанс – французча «Renaissance» – қайта туғилиш маъносини англатиб, XIV аср бошидан XVII аср сўнгигига қадар давом этган Европа санъети тарихида салмоқли аҳамиятга эга бўлган даврга нисбатан қўлланилади.

Янги бойликтан ҳам, янги ҳокимиятдан ҳам маҳрум этилган оддий халқ илгариги умидлари пучга чиққач, маъносиз оммага айланди; ана шу авомни гоҳида мақтадилар ёки уни қўрқитдилар, бироқ мулкдорлар ҳокимияти уларни доимо манипуляция қилди ва эзди.

Янги индивидуализм билан ёнма-ён янги деспотизм³¹ ҳам бош кўтарди. Уйғониш майдагавдо-гарлар ёки ҳунармандларнинг эмас, балки бой аристократлар (оқсусяклар, аслзодалар) ва баргер (муайян шаҳардаги аҳоли)ларнинг маданияти эди. Иқтисодий фаолияти ва бойликлари уларга озодлик ва индивидуалликни ҳис этиш имконини берди. Бироқ улар ҳам кўп нарса йўқотдилар: Ўрта аср ижтимоий структураси инъом этган ишонч ва ижтимоий структурага мансубликдан маҳрум бўлдилар. Натижада улар анча эркин бўлиб қолдилар, бироқ анча ёлғиз ҳам эдилар. Улар ҳаётнинг барча қувончларини сўнгти томчисигача сўриб олиш учун ўзларининг бутун ҳокимият ва бойликларидан фойдаландилар. Бунинг учун оммани бошқариш, ўз синфи ичидағи рақибларни тўхтатиш учун оммани психологик манипуляция қилишдан то уни жисмонан эзишгача бўлган барча воситалардан фойдаланишларига тўғри келди.

Ҳокимият ва бойликни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаёт-мамот курашида барча инсоний муносабатлар заҳарланди. Қардошлар ёки ҳеч бўлмаганда ўз синфи аъзолари билан бирдамлик манфаат асосида ажралиб чиқиши билан алмашди; бошқа одамларга фойдаланиш ва манипуляция қилиш «объектлари» сифатида қарала бошланди, мақсадга эришиш йўлида одамлар шафқатсизларча қурбон қилинди.

³¹ Деспотизм – чекланмаган ҳокимият, бошқарув шакли.

Индивид ҳокимият ва бойликка ташна эҳтиросли эгоцентризм комига тушиб қолди. Бунинг оқибатида илфор индивиднинг ўз шахсига бўлган муносабати, ўзига бўлган ишончи ва хавфсизлик ҳисси заҳарланди. Илгари бошқалар у учун манипуляция қурбони бўлгани каби энди унинг ўзи ҳам бошқалар учун манипуляция объектига айланди.

Уйғониш даври капитализмининг хўжайинлари foят баҳтли ва ўзларига ишончи юқори эди, деган фикрларга шубҳа билан қараш учун етарлича асослар мавжуд. Афтидан, янги озодлик улар ўз куч-қудратларининг ўсиб боришини ҳис этишинигина эмас, балки ўсиб борувчи ёлғизланиш, шубҳа, скептицизм³² ва буларнинг натижаси ўлароқ ғамташвиш ҳам келтирган.

Биз бу зиддиятларни гуманистларнинг фалсафий асарларида кўришимиз мумкин. Улар инсоннинг қадр-қиммати, индивидуаллиги ва куч-қудратини алоҳида таъкидлайдилар, бироқ уларнинг фалсафасида ишончсизлик (қатъиятсизлик) ва умидсизлик ҳам намоён.

Душман оламда яккаланиб (ёлғизланиб) қолган индивиднинг аҳволидан келиб чиқадиган ана шу ички ишончсизлик, афтидан, Буркхардт кўрсатганидек, Уйғониш даври индивиди учун хос бўлган янги характерли белгиларнинг қандай вужудга келганлигини тушунишга имкон беради. Ҳолбуки, бу характер белгилари Ўрта аср ижтимоий структурасининг аъзосида йўқ эди ёки у жуда кучсиз намоён бўлган эди.

Бу ерда гап индивиднинг шон-шуҳратга жонжаҳди билан интилиши устида боряпти. Агар ҳаёт-

³² Скептицизм – объектив воқеликни англашнинг ҳар қандай имкониятини рад этувчи фалсафий йўналиш.

нинг маъноси шубҳа остида қолса, бошқаларга ва ўз-ўзига бўлган муносабат ишонч ҳиссини уйғотмаса, у ҳолда шуҳратпарастлик инсонни шубҳалардан озод қиласди. У худди Миср эҳром (пирамида)лари ёки христиан эътиқодидаги умрбоқийлик тушунчаси бажарган функцияни бажара бошлайди: у индивидуал ҳаётни табиий чегараларидан юксалтириб, ҳеч қачон емирилмайдиган, завол кўрмайдиган даражага кўтаради. Агар инсон ўз замондошлари ўртасида танилса, бундан кейин ҳам шундай бўлишига умид қилиши, бошқалар онгига яшаётгани учун ҳам унинг ҳаёти маъно ва аҳамиятга эга эканлигига умид боғлаши мумкин.

Англашиладики, ишончсизлик муаммосининг бундай ҳал этилиши ўз аъзолари реал шон-шуҳратга эришиш имконига эга бўлган ижтимоий гурӯҳдагина мумкин. Ҳуқуқсиз ва кучсиз омма бундай имкониятга эга бўлмаган; Реформациянинг бош таянчи бўлган шаҳар ўрта синфи ҳам (биз буни қўйида кўрсатамиз) муаммони бошқа йўл билан ҳал этган.

Тадқиқотимизни Уйғониш давридан бошлаган-лигимизнинг боиси шундаки, ҳозирги замон индивидуализми ана шу даврда туғилди; шунингдек, тарихчиларнинг ана шу даврга оид ишлари бизни қизиқтираётган жараённи тушунишга яқиндан ёрдам беради. Бу инсоннинг индивидуал ҳаётдан чиқиши ва ўзини алоҳида мавжудот сифатида тўла англаш жараёнидир.

Гарчи Уйғониш даври ғоялари Европа тафаккурининг бундан кейинги ривожига кучли таъсир кўрсатган бўлса ҳам, ҳозирги замон капитализмининг асосий илдизлари, унинг иқтисодий структураси ва руҳини биз кейинги Ўрта аср итальян ма-

даниятидан эмас, балки Марказий ва Фарбий Европанинг иқтисодий, ижтимоий ҳолати ва ундан келиб чиққан Лютер ва Кальвин доктриналаридан топамиз.

Бу икки маданият ўртасидаги муҳим тафовутлар қўйидагича. Уйғониш даври маданияти нисбатан юксак даражада ривожланган савдо-сотик ва саноат капитализми жамиятини намоён этди; унча катта бўлмаган бойлар гуруҳи ва ҳокимиятга эга бўлган индивидлар шу жамиятни бошқарди ва ушбу жараён ана шу маданиятни ўз асарларида ифода этган файласуфлар ва рассомлар учун ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилди.

Реформация, аксинча, дехқонлар ва шаҳар қўйи қатламининг дини эди. Германияда ҳам бой ишбилармонлар, масалан, Фуггерлар бор эди, бироқ янги диний доктриналар уларни ўзига тортмас эди. Улар ҳозирги замон капитализми ўсиб чиққан асос вазифасини ҳам ўтаган эмаслар.

Макс Вебер кўрсатганидек, шаҳар ўрта синфи Farb олами ҳозирги замон капитализмининг асоси эди. Уйғониш даври ва реформациянинг ижтимоий асослари мутлақо турлича бўлгани сингари табиий равишда бу ҳаракатларнинг руҳи ҳам турлича эди. Лютер ва Кальвин теологиясини кўриб чиқишимиз жараёнида бу тафовутлар яққолроқ кўзга ташланади.

Биз эътиборимизни кўпроқ индивиднинг эски алоқаларидан озод бўлиши шаҳар ўрта синфи вакилларининг характерига қандай таъсир кўрсатганига қаратамиз ҳамда протестантлик ва кальванизм озодликни янгича ҳис этиш имконини бергани ҳолда айни вақтда бу озодлик юкидан қочишини ҳам ўзида намоён этганлигини кўрсатамиз.

Даставвал Европадаги, айниңса, Марказий Европадаги XVI аср бошларидаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятни күриб чиқамиз. Кейин эса бу вазият ана шу даврда яшаган одамлар шахсиға қандай таъсир күрсатгани, Лютер ва Кальвин таълимотлари бу психологик омил билан қандай алоқадорлиги ва ана шу янги диний таълимотлар капитализм руҳи билан қандай алоқада бўлганлигини муҳокама қиласиз.

Ўрта аср жамиятида шаҳарларнинг иқтисодий тузилиши нисбатан статик (барқарор) эди. Ўрта аср охирларида ҳунармандлар цехларга бирлашган эдилар. Ҳар бир уста битта ёки иккита шогирдга эга эди. Усталарнинг сони эса шаҳарнинг умумий эҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиқиб белгиланаарди. Гарчи уларнинг орасида ўз меҳнати ҳисобига яшаш учун қийинчиликларни бошидан ўтказишга тўғри келадиган баъзи кишилар мавжуд бўлса ҳам, умуман олганда, цех ишчиси ўз меҳнати билан бемалол тирикчилик ўтказишига қаттиқ ишонаарди. Агар у яхши стул, пойабзал, эгар ва ҳоказо ясаса, бу меҳнат натижаси ўзи мансуб бўлган табақа анъанаси талаб этадиган ҳаёт даражасини таъминлашга етар эди. У ўз меҳнати маҳсулуга умид боғлаши мумкин эди. Цехлар ўз ишчилари ўртасидаги рақобатга тўскинлик қилар ва уларни хомашё олиш, технологияни ривожлантириш, тайёр маҳсулотга нарх белгилаш масалаларида ҳамкорлик қилишга ундар эди.

Бутун Ўрта аср ҳаёти билан бирга цех тизими ни идеаллаштириш тенденциясига зид равища да айrim тарихчилар цехлар ҳамиша монополистик руҳ билан яшаганлигини, кичик гуруҳни бошқа барча бегоналардан ҳимоялашга интилганлигини

таъкидлайдилар. Бироқ кўпчилик муаллифлар, ҳар қандай идеаллаштиришни бир четга улоқтирганда ҳам, цехлар ўзаро ҳамкорликка асосланган бўлиб, ўз ишчиларига нисбатан фаровон ҳаётни таъминлаш учун кафолат берган, деб ҳисоблайдилар.

Зомбарт кўрсатганидек, ўрта аср савдоси жуда кўплаб майда тадбиркорлар томонидан амалга оширилган.

Улгуржи ва чакана савдо бир-биридан ҳали аж-ралмаган эди. Ҳатто бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилган савдогарлар ҳам, масалан, Шимолий Германия Гинзаси ишчилари чакана савдо билан шуғулланганлар. Капитал жамғариш XV аср охиригача жуда секин рўй берди. Бундай шароитларда кичик тадбиркор ўз аҳволидан чуқур қониқиш ҳосил қиласр эди.

Ўрта аср шаҳарларининг ҳаёти тўғрисида профессор Тоуни шундай ёзади: «Ҳозир механик равишда қилинадиган ишларнинг жуда кўпи у вақтларда инсоннинг шахсан ва бевосита иштирокида бажариларди. Шу боисдан ҳам одамларни шубҳагумонлардан озод қилишни кўзлайдиган ва уларни иқтисодий самарадорликни ошириш учун йўналтирадиган доктриналарнинг пайдо бўлиши учун шароит йўқ эди. Буларнинг ҳаммаси бизни фақат католик черкови доктриналаридагина эмас, балки дунёвий қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топган ўрта аср жамиятидаги индивиднинг аҳволи, хусусан, иқтисодий фаолиятга бўлган ахлоқий қарашларини тушуниш учун жуда муҳим нуқтага олиб келади.

Ўрта аср оламини идеаллаштиришга урингани учун Тоунидан шубҳаланиш ярамайди, шу боисдан ҳам биз яна унга мурожат этамиз. Иқтисо-

дий фаолиятга бўлган муносабат қуйидаги икки шарт-шароитга асосланган эди: «Иқтисодий манфаатлар иккинчи даражалидир. Улар инсон ҳаётининг бош мақсадига – руҳни халос этишга бўйсундирилиши зарур; иқтисодий хулқ-атвор – умуман олганда, шахс хулқ-атворининг битта томони экан, – хулқ-атворнинг бошқа томонлари сингари ахлоқ талаблари унга ҳам тегишилидир».

Шундан кейин Тоуни иқтисодий фаолиятга ўрта аср қарашларини батафсил тадқиқ этди. Моддий бойлик зарур, чунки усиз одамлар яшомайдилар, бир-бирларига ёрдам бера олмайдилар, бироқ унинг аҳамияти иккинчи даражалидир. Хулқ-атворнинг иқтисодий мотивлари шубҳалидир. Одамлар бундай майларнинг куч-қудратидан хавфсирайди. Аммо ушбу майларни маъкуллашгача борадиган даражада пасткаш ҳам эмаслар. Ўрта аср назарияларида ахлоқий мақсад билан боғланмаган иқтисодий фаолиятга, умуман, ўрин ажратилмас эди.

Агар Ўрта аср мутафаккири моддий бойлика интилиш доимо амал қиласидиган ва муҳим кучдир, бу бошқа табиий кучлар билан бирга ўз-ўзидан равshan ва муқаррар ҳолат, деган фикрга асосланувчи жамият тўғрисидаги таълимотга дуч келса, бундай таълимот унга уришқоқлик ёки сексуал инстинкт инсонда доимий равишда мавжуд бўладиган инсоний сифат, деб ҳисоблайдиган ижтимоий фалсафага қарагандা бемаъни ва ахлоқсиз бўлиб туюлиши мумкин.

Авлиё Антоний айтганидек, бойлик одам учун мавжуд, инсон бойлик учун эмас. Шу боисдан ҳам иқтисодий манфаатларнинг жиддий, муҳим ишларга аралashiши ҳар қадамда чеклашлар,

таъқиблар, огоҳдантиришларга учрайди. Инсонга унинг ҳаёт даражаси, аҳволига мос бўлган бойлика интилиши учун рухсат берилади. Бироқ катта бойликка интилиш тадбиркорлик эмас, балки очкўзликдир. Очкўзлик инсонни ўлимга олиб борувчи оғир гуноҳдир.

Савдо-сотиқ қонуний машғулотдир. Турли мамлакатларнинг табиий бойликлари ўртасидаги тафовут шундан гувоҳдик берадики, бунинг шундай бўлиши илоҳий башорат орқали белгиланган. Бироқ бу хавфли иш. Инсон умумманфаатлари йўлида савдо билан шуғулланаётганлигига ва унинг оладиган фойдаси меҳнат учун тўланадиган адолатли ҳақдан ошиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Сочилиб, парчаланиб ётган дунёда хусусий мулк зарурий институт. Мулк ҳаммага бирдек эмас, балки одамларга алоҳида тарзда тегишли бўлган даврда одамлар кўп ишлайди ва камроқ баҳслашади. Хусусий мулкчиликни инсон ожизлигига йўйиш ва шу учун ҳам унга рухсат бериш керак. Аммо уни ҳеч қачон ўз ҳолича арзирли ва ҳавас қиласа бўладиган нарса сифатида кўрмаслик керак.

Агар инсон табиати идеалгача юксала олса, бу коммунизмдир. Мулк энг яхши ҳолатда ҳам инсон учун ортиқча юк. У қонуний йўл билангина қўлга киритилиши кўпроқ одамларга тегишли бўлиши, камбағалларга ёрдам қўрсатиш воситаси бўлиши керак. Ундан имкони борича биргаликда фойдаланиш лозим. Мулк эгалари ўз мулкларини муҳтожлар билан бўлишишга, ҳатто бу муҳтожлик қашшоқдик даражасига етиб бормаган бўлса ҳам, бирга баҳам кўришга тайёр бўлишлари зарур.

Гарчи бу қарашлар хулқ-атвор нормаларини ифода этса ҳам, реал иқтисодий амалиётнинг аниқ

тасвири бўлмаса-да, қандайдир маънода Ўрта аср жамиятининг ҳақиқий руҳини ифода этади.

Ўрта аср шаҳарлари учун характерли бўлган ҳунармандлар ва савдогарлар аҳволининг нисбий барқарорлиги сўнгги ўрта асрларда заифлашди ва XVI асрда тўла емирилди. XIV асрда ва ундан ҳам илгарироқ цехлар ичидаги табақаланиш, уни барта-раф этишга бўлган уринишларга қарамай, тобора кучайди. Айрим цех ишчилари кўп капиталга эга бўлиб, битта ёки иккита эмас, беш-олтирадан шогирд ёллай бошладилар.

Тез орада айрим цехларга маълум бошлангич капиталга эга бўлган одамлар олина бошлади. Бошқа цехлар кучли монополияларга айланди ва ўз имтиёзларидан кўпроқ фойдаланиб, истеъмолчиларни тобора кўпроқ эксплуатация қиласидилар. Шу билан бирга цехларнинг кўплаб қашшоқдашган ишчилари доимий ишидан ташқари қўшимча иш топишга мажбур бўлдилар ва майда савдо-сотик билан шуғулландилар. Уларнинг кўпчилиги мустақил бўлишга жон-жаҳди билан ёпишган бўлишига қарамай, иқтисодий мустақиллик ва келажакка бўлган ишончдан маҳрум бўлдилар.

Цех тизимининг шундай ривожланиши муносабати билан ёлланган шогирдларнинг аҳволи яна ҳам ёмонлашди. Италия ва Франция мануфактура³³ларида ҳамма нарсадан маҳрум қилинган ишчилар аҳолининг бутун бир синфи сифатида XIII асрда ва ҳатто ундан олдинроқ мавжуд эди. Улар билан қиёслаганда ҳунармандчилик цехларидаги кичик уста-шогирдларнинг аҳволи яхшироқ эди. Гарчи цехдаги ҳар бир шогирд уста бўла олма-

³³ Мануфактура – қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш тузилемаси.

са-да, ҳар бир устанинг шогирдлари сони ортиб боргани сайин уста бўлиш учун шунча кўп капитал талаб этила бошлади. Бироқ цехлар қўпроқ монополистик характер касб эта бошлиши билан шогирдларнинг уста бўлиш имконияти шунча камайиб борди.

Уларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи тобора ёмонлашиб бориши натижасида норозилиги ҳам ўсиб борди; уларнинг ўз ташкилотларига бирлашуви, иш ташлаш ва қўзғолонлар ана шундан гувоҳлик беради.

Хунармандчилик цехларининг капиталистик ривожланиши тўғрисида айтилган юқоридаги гаплар қўпроқ савдо-сотиққа тегишпи. Ўрта аср савдоси, асосан, майда савдогарчилик бўлиб, шаҳар ичидаги эди. XIV – XV асрларда умуммиллий ва халқаро савдо тез ўсади.

Тарихчилар йирик савдо компаниялари қачон вужудга келди, деган масалада аниқ тўхтамга келишмаган. Бироқ барча тарихчилар катта капиталга эга бўлган, майда савдогарга ҳам, харидорга ҳам жиддий таҳдид солган бу компаниялар, XV асрда монополияга айланди, деган фикрга қўшиладилар.

Император Сигизмунднинг XV асрдаги ислоҳоти қонунчилик воситасида монополияларни чеклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бироқ майда тадбиркорларнинг аҳволи тобора ишончсиз бўлиб борди. «Ислоҳотлар кескин чоралар кўриш учун эмас, балки шикоятларни эшитиш учунгина хизмат қиласиб эди».

Кичик савдогарларнинг монополияларга нисбатан қаҳр-ғазаби ва нафратини Лютер 1524 йили чоп этилган «Савдо-сотиқ ва порахўрлик тўғри-

сида» номли памфлетида ёрқин ифодалади. «Улар барча товарларни ўз қўлларига олдилар ва биз юқорида айтган барча тузоқлардан ошкора фойдаланяпти; улар ўzlари хоҳдаганича нархларни кўтаријапти ва туширијапти, бу билан барча кичик савдо-гарларни хонавайрон қиляпти; гўё улар Худонинг яратган неъматларига эгалик қиляпти; улар учун эътиқод ва муҳаббатнинг ҳеч қандай қонуни йўқ».

Лютернинг бу сўзлари бугун ҳам аҳамиятли. Ўрта синфнинг XV – XVII асрлардаги бой монополистларига бўлган қўрқув ва нафрати кўп жиҳатдан ҳозирги ўрта синфнинг монополиялар ва қурдатли капиталистларга бўлган ҳис-туйфусини эслатади.

Саноатда ҳам капиталнинг роли қучайди. Торкон саноати бунга характерли мисоллар беради. Даставвал тор цехидаги ҳар бир ишчининг ҳиссаси у бажарган ишга пропорционал (тeng) эди. Бироқ XV асрдаёқ фойда кўпинча ўзи ишламаган капиталистлар ўртасида тақсимлана бошлади. Ишнинг кўп ҳажми эса маош оладиган ишчилар томонидан бажарилди, бироқ улар корхона фойдасидан улуш олмас эдилар.

Капиталистик ривожланишининг ана шу жараёни саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам рўй берди. Бу эса ҳунармандчилик цехлари ва савдода вужудга келган тенденцияни кучайтирди: капиталнинг роли қучайди, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги табақаланиш ортди, қишлоқ синфларининг норозилиги қучайди.

Тарихчилар деҳқонларнинг аҳволи масаласида бир хил фикрда эмаслар. Бироқ қуида келтирилаётган Шапиро анализи кўп тадқиқотчиларнинг натижаларига тўла мос келади.

«Сиртдан гуллаб-яшнаётгандек бўлиб туюлса-да, дехқонларнинг ҳаёт – шароити тез ёмонлашди. XVI аср бошларида фақат озгина дехқонларгина ўзлари ишлаган ерларига ҳақиқий эгалик қилдилар. Бу эса ўрта асрларда синфий мустақиллик ва тенгликнинг муҳим белгиси бўлиб хизмат қилар эди.

Жуда кўпчилик ишлашдан ёки ердан фойдалангани учун шартномага мувофиқ оброк³⁴ тўлашга мажбур бўлган шахсан озод кишилар синфини ташкил этди. Айни шулар барча дехқон қўзғолонларининг ўзагини ташкил этарди. Ярим мустақил обшина³⁵да ер эгасининг мулки билан ёнма-ён яшаган ўртаҳол дехқон оброк ва турли хизматларнинг кўпайиб бориши уни амалда крепостной қулга, қишлоқ жамоасини эса хўжайин мулкининг бир қисмига айлантиришини англаб етди».

Капитализмнинг иқтисодий ривожланиши психологияк атмосферада муҳим ўзгаришларнинг рўй бернишига олиб келди. Ўрта асрларнинг охирига келиб, нотинчлик руҳи ҳукм суро бошлади. Ҳозирги маънодаги вақт тушунчаси вужудга келди, дақиқа (минут)лар қадрлана бошлади. Вақтни бундай янгича ҳис этишнинг аломати шунда эдикӣ, Нюрнберг курантлари айни XVI асрда ҳар чорак соатда бонг ура бошлади.

Байрамлар сонининг кўплиги офат бўлиб туюла бошлади. Вақт шу қадар қадрлана бошладики, уни бефойда сарфлаш мумкин эмас эди.

Меҳнат тобора энг олий қадриятга айланди. Мехнаттага янгича муносабат ривожланди. Меҳнатга бўлган талабчанлик шу даражага етдики, ўрта

³⁴ Оброк – крепостной дехқонлардан пул ёки маҳсулот шаклида олинган тўловлар.

³⁵ Обшина – муайян бир аҳоли қатламиининг ўзини ўзи бошқарувчи ташкилоти.

синф черков муассасаларининг иқтисодий самарасизлигидан дарғазаб бўла бошлади. Қашшоқлашиб бораётган монахлар ордени нафрат уйғота бошлади: улар ишлаб чиқармас эканлар, демак, улар ахлоқсиздир!

Самарадорлик энг юксак ахлоқий қадриятлардан бири бўлиб қолди. Айни вақтда бойлик ва моддий ютуқларга эришиш инсоннинг бутун вужудини қамраб олган эҳтиросга айланди.

Ваъз айтувчи Мартин Бутцер шундай деди: «Атрофда ҳамма энг кўп фойда берадиган иш изляяпти. Ҳамма фан ва санъатни энг тубан қўл меҳнати билан алиштиришга тайёр. Худо томонидан энг хайрли фанлар билан шуғулланиш учун қобилият ато этилган барча ақдли бошлар тижорат билан банд. Бугунги кунда виждонсизлик билан қоришган ушбу тижорат шу қадар шарафсизки, у олийжаноб инсон учун энг сўнгги ўринда турувчи иш ҳисобланиши керак».

Юқорида биз тасвирлаган иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир одамга даҳлдор бўлган ғоят муҳим оқибатларни келтириб чиқарди. Ўрта аср ижтимоий тизими, шунингдек, индивиднинг барқарорлиги ва нисбатан хавфсизлиги ҳам барҳам топди.

Эндилиқда капитализмнинг бошланиши билан жамиятнинг барча синфлари ҳаракатга келди. Иқтисодий структурадаги табиий ва шубҳасиз, деб ҳисобланган ўрин энди йўқ эди. Индивид якка бўлиб қолди. Ҳамма нарса унинг анъанавий статуси белгилаган кафолатта эмас, балки ўз саъӣ-ҳаракатларига боғлиқ ҳолга келди.

Бироқ бу турли синфларга турлича таъсир кўрсатди. Бундай ривожланиш шаҳардаги қашшоқ ва шогирдлар учун эксплуатация ва қашшоқликнинг

янада кучайишини; деҳқонлар учун иқтисодий ва шахсий зулмни; қашшоқ дворянлар учун ҳам бошқача миқёсдаги хонавайрон бўлишни англатди. Воқеаларнинг бундай ривожланиши бу синфлар учун, шубҳасиз, ёмонлашишни англатди. Биз юқорида ўрта синф ичидаги табақаланишнинг ўсиб борганлигини айтдик. Унинг кўпчилик қисми фоят ёмон аҳволга тушиб қолди. Ҳунармандлар ва майдада савдогарларнинг монополистлар ёки бой рақибларнинг қудратли кучи билан тўқнашишига тўғри келди.

Мустақилликни сақлаш улар учун тобора қийин бўлиб борди. Улар катта устунликка эга бўлган кучлар билан курашди, бироқ бу кураш уларнинг кўпчилиги учун умидсиз ва пуч эди. Ўрта синфнинг қанчадир қисми анча омади бўлиб, ўсиб борувчи капитализмнинг умумий юксалишида иштирок этди. Аммо бозор ва рақобат ролининг ўсиб бориши ана шу баҳтлиларни эндиликда ишончсизлик, ташвишланиш ва ёлғизлик ҳолатида ушлаб турди, вазиятни тубдан ўзгартирди.

Капиталнинг ҳал қилувчи роль ўйнаш факти ҳар бир одамнинг иқтисодий, бинобарин, шахсий тақдирни шахсадан юқори турувчи қандайдир кучга боғлиқ эканлигини англатди. Капитал «хизматкор бўлишдан тўхтади ва хўжайнинг айланди. У алоҳида мустақил ҳаётни қўлга киритиб, ўзининг қатъий талабларига мувофиқ иқтисодий ташкилотнинг қонунларини тарғиб этувчи катта шерик ҳуқуқини қўлга киритди».

Бозорнинг янги функцияси ҳам худди шундай ҳаракат қила бошлиди. Ўрта аср бозори нисбатан тор эди, унинг қандай ишлаши тушунарли эди. Зеро, талаб ва таклиф бир-бири билан тўғри-

дан-тўғри ва конкрет боғлиқ эди. Ишлаб чиқарувчи қанча ишлаб чиқариши зарурлигини тахминан билар ва ўз маҳсулотини мақбул нархда сотишига ишонарди. Энди эса муттасил кенгайиб борувчи бозор учун ишлаб чиқаришга тўғри келди: ҳеч ким савдо-сотиқ имкониятларини олдиндан била олмас эди. Шу боисдан эндиликда яхши товар ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас эди.

Сифат савдо-сотиқнинг фақат битта шартига айланди: бозорнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган қонунлари эндиликда маҳсулот қандай фойда билан сотилишини (ёки, умуман, сотиладими, йўқми?) белгилай бошлади. Янги бозорнинг амал қилиш механизми худди Кальвиннинг тақдирни азал тўғрисидаги таълимотига ўхшаб қолди. Унга кўра, инсон имкони борича комилликка эришиш учун бутун кучини ишга солиши керак, бироқ у туғил масиданоқ тақдирни белгиланган.

Бозор куни инсон меҳнати маҳсулотлари учун Маҳшар кунига айланди. Рақобатнинг ўсиб борувчи роли яна бир муҳим омил бўлди. Шубҳасиз, рақобат қандайдир даражада Ўрта аср жамиятида мавжуд эди. Бироқ феодал иқтисодий тизими ҳамкорлик принципига асосланган бўлиб, рақобатни бостирувчи қоидалар орқали тартибга солинар, бошқарилар эди. Капитализмнинг ривожланиши билан ушбу ўрта аср тамойиллари аста-секин ўз ўрнини хусусий ташабbus принципига бўшатиб бера бошлади.

Хар бир одам олға бориши ва ўз баҳтини синаб кўриши лозим: ё сузиш ёки чўкиш. Энди киши бошқалар билан ўзаро алоқадорликка эга эмас, улар ракибларга айланди. Инсон кўпинча иккidan бирини танлаши зарур эди: уларни йўқ қилиши керакми ёки ўзи йўқ қилиниши керакми?

Шуниси аёнки, кейинги вақтларда бўлгани сингари XVI асрда капитал, бозор ва раҳобатнинг роли унча катта эмас эди. Бироқ ҳозирги замон капитализмининг барча муҳим элементлари бу вақтда шакланган ва одамларга психологик таъсир кўрсата бошлаган эди.

Бироқ биз масаланинг фақат бир томонини тасвирладик, унинг бошқа томонлари ҳам бор эди: капитализм инсонни озод қилди. У корпоратив тизимнинг регламентларини бартараф этди, инсоннинг оёққа туриши ва ўз баҳтини синааб кўришига имкон берди. Инсон ўз тақдирининг хўжайинига айланди; у таваккал қилди, бироқ ютиб чиқа олди. Унинг ўз саъӣ-ҳаракатлари муваффақият ва иқтисодий мустақилликка олиб келди. Пул инсон дараҷасини кўрсатиб берувчи буюк кучга айланди, бу борада у ўзининг инсоннинг келиб чиқиши ва табақалардан кўра қудратлироқ таъсирга эга эканлигини исботлади. Биз сўз юритаётган илк даврларда капитализмнинг бу томони эндиғина намоён бўлаётган эди.

Капитализмнинг ушбу томони шаҳар ўрта синфига қараганда, оз сонли бой капиталистлар гурӯҳи учун фоят катта роль ўйнади; ўша вақтда бу тенденция инсон характерининг шаклланишига муҳим таъсир кўрсатди.

XV – XVII асрлардаги ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг инсонга кўрсатган таъсири тўғрисида юқорида айтилганларни умумлаштирасак, қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин.

Аён бўладики, бу ерда озодлик иккиёқламаликка эга бўлади. Индивид иқтисодий ва сиёсий кишиналардан озод бўлди. У янги тизимда ўйнашига тўғри келадиган фаол ва мустақил роли билан барча позитив озодликни қўлга кирилди. Бироқ у

ўзига ишонч ва қандайдир жамоага мансубликни ҳис этиш имконини берган алоқалардан ҳам озод бўлди. У энди бутун ҳаётини ўзи марказида турувчи тор доирада ўтказа олмайди; олам чексиз ва таҳдид солувчи бўлиб қолди.

Инсон бу оламдаги муайян ўрнини йўқотиб, ўз ҳаётининг маъноси тўғрисидаги саволга берган жавобини ҳам йўқотди; унга шубҳа-гумонлар ёпирилди: у ким, у нима, нима учун яшаяпти? Унга шахсдан юқори турувчи қудратли кучлар – капитал ва бозор таҳдид сола бошлади. У ўзига биродар бўлганларнинг ҳар бирида эҳтимолий рақибни кўрди ва унга нисбатан бегоналашув, душманлик характерини пайдо қила бошлади; у озод, демак, у ёлғиз, бошқалардан ажралган, унга ҳар томондан таҳдид мавжуд.

Ўйгониш даври капиталистларида бўлган бойлик ва ҳокимиятга эга бўлмаган, одамлар ва олам билан бирликни ҳис этишдан маҳрум бўлган инсон ўзининг ҳеч нима эмаслиги ва ожизлигини ҳис этишдан эзилди.

Жаннат абадулабад йўқотилди, индивид ёлғиз ўзи чексиз ва таҳдид солувчи олам билан юзма-юз келди. Янги озодлик муқаррар равишда ишончсизлик, ожизлик, шубҳа, ёлғизлик ва ташвиш ҳиссини вужудга келтирди. Инсон ҳаракат қилиш имконига эга бўлиши учун ана шулардан халос бўлиши керак.

2. Реформация даври

Ривожланишнинг айни шу босқичида лютеранлик ва кальвинизм вужудга келди. Бу – бой олий синфнинг эмас, балки ўрта шаҳарликлар, шаҳар камбағаллари ва деҳқонларининг дини эди.

Бу таълимотлар аҳолининг айни шу қатламига қаратилган эди. Чунки улар қуи синф вакилла-